

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

9-сон
(977)
2021 йил
март

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

86. «2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги ПФ–6181-сон Фармони
87. «Электротехника саноатини янада ривожлантириш ва маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 мартдаги ПҚ–5011-сон қарори
88. «Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги ПҚ–5012-сон қарори
89. «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш-

га доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги ПҚ-5017-сон қарори

90. «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги ПҚ-5020-сон қарори

Учинчи бўлим

91. «Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 114-сон қарори
92. «Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари берилган шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлашга маблағлар ажратиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 мартдаги 120-сон қарори
93. «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 мартдаги 122-сон қарори

Бешинчи бўлим

94. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 16 февралдаги 8-сон «Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган бюджет ссудаларини қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 3 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1052-2*)
95. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2021 йил 16 февралдаги 2-2021-сон, 2021 йил 15 февралдаги ққ-08-2021-сон, 2021 йил 9 февралдаги 6-сон «Академик лицей, касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 3 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3119-2*)
96. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ахборот техно-

логиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 4 февралдаги 01-02/12-06-сон, 2021 йил 26 январдаги 211-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб ўтиш тартиби, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 526-7*)

97. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 6 февралдаги 01-02/12-07-сон, 2021 йил 30 январдаги 3-сон «Автомобиль йўллари орқали ташиладиган товарларнинг божхона кузатуви тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1278-5*)
98. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 6 февралдаги 01-02/12-08-сон «Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал вақт режимда интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2823-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

86 2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида*

Сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва улар ўртасида ижтимоий шерикликни кучайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилди.

Хусусан, охириги тўрт йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 1 270 дан ортиқ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджетидан 117 миллиард сўм миқдордаги маблағлар ажратилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлайдиган, замонавий демократик талабларга ва халқаро стандартларга жавоб берадиган норматив-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилди. Бунинг натижасида 20 га яқин қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ҳукуматнинг қарорлари қабул қилинди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари манфаатларини ифода этиш, давлат билан улар ўртасидаги кўприк вазифасини бажаришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ташкил қилинди, шунингдек, аҳоли билан очиқ мулоқот олиб боришнинг янги самарали воситаларини жорий этиш мақсадида давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолияти йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини, демократик кадриятларни ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишга муносиб ҳисса қўшган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини рағбатлантириш мақсадида «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони таъсис этилди ҳамда соҳанинг 126 нафар фаоллари ушбу юксак мукофот билан тақдирланди.

Кўрилаётган чоралар натижасида сўнгги тўрт йилда фуқаролик жамиятининг энг асосий институти ҳисобланадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 20,7 фоизга ошди, шу жумладан 187 та йирик республика нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятини бошлади.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 мартда эълон қилинган.

Шу билан бирга, ушбу ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг яқин ва ўрта муддатли истиқболларини белгилаб олиш зарур.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллиги ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» ва «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Концепциянинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини изчил такомиллаштириш;

фуқаролик жамияти институтларига кўмак бериш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш;

давлат ва жамият бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

давлат ижтимоий лойиҳаларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш;

фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш.

3. Қуйидагилар:

2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини 2021 йилда амалга ошириш «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага* мувофиқ;

2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (кейинги ўринларда — Мақсадли кўрсаткичлар) 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

а) Концепция ҳар икки йилда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан алоҳида тасдиқланадиган «Йўл харитаси» орқали босқичма-босқич амалга ошириб борилади;

б) Мақсадли кўрсаткичлар қуйидагиларни назарда тутди:

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклларида қўллаб-қувватлаш ҳажмини 2021 йилда камида 1,2 бараварга, 2025 йилда 1,8 бараварга ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қувватлаш жамоат фондларига 2021 йилда 16 миллиард сўм, 2025 йилда 70 миллиард сўм маблағлар ажратиш;

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси аъзолари сонини жами фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари сонига нисбатан 2021 йилда 10 фоизга, 2025 йилда 30 фоизга етказиш;

хар бир давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятида фуқаролар ташаббуси билан ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг сонини (жами жамоатчилик кенгашлари таркибларига киритилган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг сонига нисбатан) 2021 йилда 5 фоизга, 2025 йилда 25 фоизга етказиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан юқори турувчи ташкилотларга қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан киритилган таклифларнинг умумий сонини 2021 йилда 1 000 тага, 2025 йилда 5 000 тага етказилишини таъминлаш;

мамлакатимизда эълон қилинадиган йилга оид давлат дастурида иштирок этаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари сонини 2021 йилда 30 тага, 2025 йилдаги давлат дастурида — 50 тага етказиш;

амалдаги жараёнларни соддалаштириш ва профилактик чора-тадбирларни кучайтириш орқали нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан содир қилинаётган ҳуқуқбузарликларни (жами 2020 йилда содир қилинган ҳуқуқбузарликлар сонига нисбатан) 2021 йилда 3,8 фоизга, 2025 йилда 19,2 фоизга камайтириш;

2021 йилда 50 та, 2025 йилда 250 та нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарларини Давлат бошқаруви академиясида қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2021 йил 1 апрелдан бошлаб:

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг очиқлик индекси жорий қилинади ва унга кўра ҳар йил якунлари бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишлар, ижтимоий шериклик даражаси, ажратилган субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар натижадорлиги ва бошқа муҳим фаолият кўрсаткичларига асосан уларнинг рейтингини тузилади;

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг очиқлик индекси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси (кейинги ўринларда — Жамоатчилик палатаси), Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда шакллантирилади ва индекс натижалари уларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади;

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг очиқлик индексини ишлаб чиқиш ва тўлиқ амалиётга жорий қилиш адлия органларига юклатилади.

Адлия вазирлиги (М. Икромов) Жамоатчилик палатаси ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси (Н. Алимов) билан биргаликда икки ой муддатда Нодавлат нотижорат ташкилотлари фао-

лиятининг очиқлик индексини шакллантириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари (комиссиялар) мажлисларида иштирок этувчи доимий вакили институти (кейинги ўринларда — доимий вакил) жорий этилсин.

Доимий вакилнинг асосий вазифалари этиб қонун лойиҳалари ва қўйи палатанинг ваколатларига кирадиган масалалар бўйича муҳокамалар ва йиғилишларда ижтимоий шериклик, таъсирчан жамоатчилик назорати механизмлари жорий қилиш ва уларни амалиётга тўғри қўллаш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода қилиш белгилансин.

Белгилансинки, доимий вакил фуқаролик жамияти ривожига ҳисса қўшган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатган, эл-юрт иззат-ҳурматига сазовор бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимлари орасидан Жамоатчилик палатаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

7. Белгилансинки:

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари (кейинги ўринларда — жамоатчилик кенгашлари) таркибининг камида 50 фоизини нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ташкил этади;

жамоатчилик кенгашларининг таркиби Жамоатчилик палатаси билан келишилгандан сўнг давлат органи раҳбарининг қарори билан ҳар 2 йилда тасдиқланади;

жамоатчилик кенгашларининг умумий аъзолари сони 15 нафардан кам бўлмаслиги зарур;

давлат органларининг жамоатчилик билан алоқалар бўлими (ёки ахборот хизмати) жамоатчилик кенгашларининг ишчи органи ҳисобланади, улар фаолиятини ташкилий-услубий ва ахборот жиҳатдан таъминлайди.

8. Ҳомийлик маблағларини марказлаштирилган ҳолда тўплаш ва тарқатиш, уларнинг мақсадли ҳамда манзилли йўналтирилишини мониторинг қилиш, ушбу жараёнларни тўлиқ автоматлаштириш ва ошкоралигини таъминлаш, шунингдек, хайрия этувчи ўз маблағининг ишлатилишини кузатиб бориш имконини берувчи «Шаффоф хайрия» ягона интерактив портали 2021 йил 1 майдан бошлаб ишга туширилсин.

9. Белгилансинки, «Шаффоф хайрия» ягона интерактив портални ишлаб чиқиш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бош вазир маслаҳатчиси — Вазирлар Маҳкамасининг ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ҳамда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари О.А. Пекось «Шаффоф хайрия» ягона интерактив портални ўз вақтида ишга тушириш, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими билан интеграциялаш, зарур бўлганда, қонунчиликни такомиллаштириш

бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш юзасидан шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

10. 2021 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари» ташкил этилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ. Сариев), Андижон (Ш. Абдурахмонов), Қашқадарё (З. Мирзаев), Наманган (Ш. Абдуразаков), Сурхондарё (Т. Боболов), Тошкент (Д. Хидоят), Фарғона (Х. Бозаров) вилоятлари ва Тошкент шаҳар (Ж. Артикходжаев) ҳокимликлари:

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари»ни фойдаланишга топширсин, шунингдек, уларни зарур офис анжомлари, мебель, буюмлар, техника ва бошқа воситалар билан таъминласин;

мазкур биноларга янги ташкил этилган, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳаларда ўз фаолиятини амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотларини текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига нодавлат нотижорат ташкилотлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, бўшаб ётган ва самарали фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари негизида туман (шаҳар)ларда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари»ни ташкил этиш тавсия қилинсин.

11. Маълумот учун қабул қилинсинки, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар масъул ходимларидан иборат бўлган ишчи гуруҳлари барча ҳудудларда бўлиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш, давлат органлари билан бирга қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, бандлик, ижтимоий хизматлар, экология, қурилиш, кадастр, транспорт, коммунал хўжалиги каби соҳаларда жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган «Йўл харита»лари ишлаб чиқилган.

Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда ушбу ҳудудларда 2021 йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар билан жойлардаги долзарб муаммоларнинг ечимини топиш бўйича ижтимоий шерикликни ривожлантиришга қаратилган «Йўл харита»ларини тасдиқласин, шунингдек, уларнинг тўлиқ ва сифатли ижро этилиши юзасидан доимий мониторинг ўрнатсин.

12. Олий Мажлис палаталарига Жамоатчилик палатаси, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ягона вертикал тизимини жорий қилиш тавсия этилсин. Бунда, шу жумладан қуйидагилар назарда тутилсин:

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш;

давлат субсидиялари, грантлар ва ижтимоий буюртмалар бериш тартибини содалаштириш;

ажратилаётган маблағларни устувор равишда таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, бандлик, ижтимоий хизматлар, экология, қурилиш, кадастр, транспорт, коммунал хўжалиги каби соҳаларда муаммоларни ҳал этиш учун ижтимоий буюртмаларга йўналтириш;

мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни чуқур таҳлил қилиш, ечимлари бўйича таклиф ишлаб чиқиш, ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш.

13. Жамоатчилик палатаси:

а) Адлия вазирлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда Жаҳон хайрия индекси (The World Giving Index) бўйича Ўзбекистоннинг дунёдаги етакчи мамлакатлар қаторига киришини таъминласин;

б) Адлия вазирлиги ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат органларига борган ҳолда жамоатчилик назоратини ўтказиш амалиётининг тартибини ишлаб чиқсин ҳамда жорий этсин;

жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) Миллий телерадиокомпания (А. Хаджаев), Халқаро пресс-клуб (Ш. Кудратходжаев), Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (Ф. Абдухаликов) билан ҳамкорликда ушбу Фармоннинг мақсад ҳамда вазифаларини кенг ёришиш бўйича чиқишлар ва мавзуга оид кўрсатувларни ташкил этсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев, адлия вазири Р.Қ. Давлетов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июль ва 2022 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 4 март,
ПФ-6181-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 4 мартдаги
ПФ–6181-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг (кейинги ўринларда — Концепция) мақсади мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик кадриятларни ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини ҳамда долзарб масалаларни ҳал этишда ҳамкорлигини кучайтириш, республикада барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташаббускорлиги ва фаоллигини ошириш ҳисобланади.

Концепция фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муддатли истикболдаги ривожланиш босқичларини белгилаб беради ҳамда соҳага оид мақсадли дастурлар ва «Йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

2-боб. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

I. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини изчил такомиллаштириш.

Бу борада қўйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

1) «фуқаролик жамияти» ва «фуқаролик жамияти институтлари» тушунчаларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини такомиллаштириш;

2) фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш ҳамда жамият ривожланишига қўшган ҳиссасини инобатга олган ҳолда уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари ва методологиясини ишлаб чиқиш;

3) оммавий ахборот воситалари, журналистлар ва блогерлар фаолиятига оид қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, уларни тўғридан-тўғри амал қиладиган қонун ҳужжатиغا унификация қилиш;

4) «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги ҳамда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини

тининг очиклиги тўғрисида»ги қонунлар нормаларини ўзаро бирлаштирган ҳолда соҳадаги бўшлиқларни бартараф қилиш ва тўғридан-тўғри амал қиладиган қонун ҳужжатига унификация қилиш;

5) оммавий ахборот воситаларининг фаолияти йўналишлари билан боғлиқ барча давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш;

6) нодавлат нотижорат ташкилотларининг рўйхатга олувчи орган билан боғлиқ барча давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш;

7) фуқаролик жамиятини илмий-назарий ўрганувчи, унинг ривожланишини доимий таҳлил қилиб боровчи тахлилий, илмий-ўқув лабораторияларни (ақл марказларини) ташкил этиш;

8) фуқаролик жамияти ривожланиши масалалари бўйича амалий ва фундаментал тадқиқотлар ўтказиш;

9) нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини ташкил этиш;

10) касаба уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказишда уларнинг аъзолари сонига қўйилган талабни қайта кўриб чиқиш, касаба уюшмалари томонидан касбий манфаатлари билан боғлиқ бўлган, уларнинг меҳнатга оид, бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқларини янада кенгайтириш;

11) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларини маҳаллий бюджетдан молиялаштиришни ҳуқуқий тартибга солиш;

12) фуқаролик жамияти институтларининг Ахлоқ кодексларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

13) фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини бевосита тартибга солувчи ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи қонуности ҳужжатларини юқори юридик кучга эга бўлган меъерий-ҳуқуқий ҳужжат шаклига ўтказиш;

14) фуқаролик жамияти институтларини рўйхатдан ўтказиш ва хорижий манбалардан пул маблағларини олиш билан боғлиқ муносабатларни содалаштириш, бюрократик тўсиқларни бекор қилиш;

15) Ҳуқуқ ҳимоячилари ҳақидаги декларация ва бошқа халқаро ҳужжатларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ҳамда улар асосида ҳуқуқ ҳимоячилари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

16) сиёсий партияларнинг ролини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг маҳаллий ҳокимликлардан тўлақонли мустақиллигини таъминлаш.

II. Фуқаролик жамияти институтларига кўмак бериш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш.

Бу борада қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

1) фуқаролик жамияти институтларига бюджет маблағларини аниқ ижтимоий мақсадларни кўзлаган ҳолда ажратиш механизмини ҳамда улардан фойдаланишнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича индикаторлар ишлаб чиқиш;

2) ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни фуқаролик жамияти институтларига давлат гранти шаклидан аниқ йўналтирилган ижтимоий буюртма бериш орқали молиялаштириш амалиётини кенгайтириш;

3) давлат бошқаруви органлари томонидан бажарилаётган вазифа ва функцияларни фуқаролик жамияти институтлари орқали амалга ошириш миқдорини кўпайтириш;

4) Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан маблағлар ажратилишини тартибга солувчи ҳужжатларни норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида қабул қилиш ва такомиллаштириш;

5) Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш, улар томонидан фуқаролик жамияти институтларига маблағлар ажратиш бўйича лойиҳаларни танлаш ҳамда улардан фойдаланишнинг самарадорлигини мониторинг қилишда жамоат фондининг ижрочи раҳбар органи масъулиятини ошириш;

6) «Фуқаролик жамияти асослари» фани бўйича ўқув дастурлари ва қўлланмаларини тайёрлаш, унинг асосида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари учун доимий равишда махсус ўқув курсларини ташкил этиш;

7) Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг ролини соҳавий ва ҳудудий молиялаштиришда кенгайтириш;

8) фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органлари раҳбарларининг жамоатчилик эшитувини Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари томонидан ҳар йили ташкил этиш амалиётини жорий этиш;

9) фуқаролик жамияти институтларини фаолиятининг самарадорлиги нуқтаи назаридан шартли гуруҳларга ажратиш мезонини ишлаб чиқиш ва уларга тоифасидан келиб чиқиб имтиёзлар белгилаш;

10) фуқаролик жамияти институтлари таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти тури билан шуғулланиши мумкинлигининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш;

11) фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг самарадорлигини

ошириш, фаолият қамровини кенгайтириш, шунингдек, уларнинг молиявий таъминотини мустаҳкамлаш;

12) фуқаролик жамияти институтларининг ихтисослашувини қўллаб-қувватлаш, соҳавий нодавлат нотижорат ташкилотларининг уюшмаларини ташкил қилишни рағбатлантириш.

III. Давлат ва жамият бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

Бу борада қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

1) қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг барча босқичида, шу жумладан Вазирлар Маҳкамасига киритиш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

2) жамоатчилик назоратини амалга оширувчи фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари томонидан мониторингни амалга оширишнинг аниқ механизмларини жорий қилиш ҳамда жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни белгилаш билан боғлиқ ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш;

3) фуқаролик жамияти институтларининг муҳим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий дастурлар ишлаб чиқилишида иштирок этиши ва уларнинг ижроси устидан мониторинг олиб боришнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш;

4) ёшлар, болалар, бандлик, хотин-қизлар, нуронийлар, атроф-муҳит муаммолари билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари ташкил этилишини қўллаб-қувватлаш;

5) қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларида белгиланган чора-тадбирларнинг ижросини барча учун очиқ бўлган онлайн кузатиб бориш тизимини жорий қилиш;

6) давлат органларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаб бориш, давлат дастурлари ижроси ҳамда давлат органлари фаолияти юзасидан ҳисоботларни тайёрлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кенг жалб этиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш;

7) давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари томонидан ўз вазифаларини амалга оширишнинг ўзаро манфаатдор ва амалий механизмларини яратиш;

8) жамоатчилик назорати, давлат бошқаруви ва ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари иштироки даражасини ошириш, шунингдек, давлат органларининг очиқлиги ва ошкоралигини янада кенгроқ таъминлаш.

IV. Давлат ижтимоий лойиҳаларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш.

Бу борада қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

1) маҳаллий бюджетлар харажатларининг йўналишларини белгилаш ва уларнинг ижросини назорат қилишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирок этиш механизмларини жорий қилиш;

2) тасарруф этилиши тақиқланган ҳолда ижтимоий ва ҳомийлик мақсадларида доимий равишда фойдаланиш (эгаллик қилиш) учун шу йўналишларда ташкил қилинган ташкилотларга ўтказилиши назарда тутилган «ижтимоий йўналтирилган мол-мулк институти»нинг ҳуқуқий асосларини жорий қилиш;

3) давлат органлари томонидан фуқаролик жамияти институтларига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бевосита давлат ижтимоий буюртмасини бериш миқдори ва ҳажмини ошириш;

4) «давлат + фуқаролик жамияти институтлари + тадбиркорлик субъектлари» тамойили асосида ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш механизмини янада такомиллаштириш;

5) волонтерлик фаолиятини йўналтириш, мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ҳисобга олиш механизмларини ишлаб чиқиш, давлат органларининг вазифа ва функцияларини волонтерлик орқали нисбатан самарали ва тежамкор шаклда бажариш амалиётини жорий қилиш;

6) йирик корхоналарнинг корпоратив волонтерлик фаолиятини ташкил этишда услубий, ахборот, маслаҳат ва ташкилий жиҳатдан кўмаклашиш ҳамда қўллаб-қувватлашнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;

7) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг волонтерлик дастурида Ўзбекистон фуқароларининг иштирокини кенгайтириш;

8) БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларини кенг жалб қилиш.

V. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш.

Бу борада қўйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

1) нодавлат нотижорат ташкилотларига ажратилган субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар маблағлари ишлатилиши ҳамда уларнинг ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиши жараёнининг ошкоралигини таъминлаш бўйича «Openness of non-governmental non-profit organizations» — «Очиқлик стандарти»ни жорий этиш;

2) давлат органлари ходимларининг фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан бевосита электрон алоқа воситалари орқали тезкорлик мулоқотини йўлга қўйиш;

3) фуқаролик жамияти институтлари томонидан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида «краудфандинг институти» имкониятидан фойдаланиш механизмини яратиш;

4) волонтерлик фаолияти ҳисобини олиб бориш ва йўналтириш имконини таъминловчи ягона интерактив портал яратиш.

3-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Концепцияда белгиланган вазифаларни бажариш орқали фуқаролик жамиятини ривожлантиришда қўйидаги натижаларга эришиш назарда тутилмоқда:

фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилади;

фуқаролик жамияти институтларига ажратилган субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмаларни ишлатиш самарадорлиги, шунингдек, уларнинг ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиши жараёнининг ошқоралиги таъминланади;

фуқаролик жамияти илмий-назарий жиҳатдан чуқур ўрганилиб, унинг ривожланиши доимий таҳлил қилиб борилади;

фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг ахборот-маърифий салоҳияти ва демократик кўникмалари ошириб борилади;

қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг барча босқичларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланади;

оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ҳуқуқий база такомиллаштирилади, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг роли оширилади;

жамоатчилик назоратини таъсирчан амалга ошириш ишлари жадаллаштирилади;

волонтерлик ва ҳомийлик фаолияти ривожлантирилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**87 Электротехника саноатини янада ривожлантириш ва маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Республикада электротехника саноатини ривожлантириш ва модернизация қилиш, янги турдаги замонавий электротехника ва электромаиший маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, тармоқнинг инвестициявий ва экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур йўналишлардаги ишларни янада жадаллаштириш, маҳаллий электротехника ва электромаиший маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот сотиш учун янги бозорларни ўзлаштириш, тармоқ корхоналарининг илмий-технологик, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш мақсадида:

1. 2021-2022 йиллар учун электротехника тармоғи самарадорлигининг кўйидаги асосий мақсадли кўрсаткичлари белгилансин:

мис хом ашёсини чуқур қайта ишлаш ҳажмини 2021 йилда 55 минг тоннага, 2022 йилда 70 минг тоннага етказиш;

маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2021 йилда 15 триллион сўмгача, 2022 йилда 19 триллион сўмгача ошириш;

маҳсулотлар экспорти ҳажмини 2021 йилда 450 миллион АҚШ доллари, 2022 йилда 600 миллион АҚШ доллари миқдорига таъминлаш;

тармоқдаги иш ўринлари сонини 2021 йилда 27 мингга, 2022 йилда 34 мингга етказиш.

Электротехника саноатини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳи (Д.Ш. Султанов) ушбу бандда белгиланган асосий мақсадли кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш ва уларни 2023 йилда камида 30 фоизга ошириш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга оширсин.

2. 2021-2022 йилларда электротехника саноатида янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш дастури 1, 1а ва 1б-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига (С.У. Умурзаков) ушбу бандда назарда тутилган дастурга, зарур ҳолларда, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. 2021 йил 1 мартдан бошлаб электротехника ва электромаиший маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, айланма маблағларни тўлдириш учун электротехника тармоғи

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 мартда эълон қилинган.

** 1 — 1б-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

корхоналарига Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган фоиз ставкаси билан миллий валютада бериладиган кредитларнинг 20 миллиард сўмгача бўлган қисми бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган қисмини, бироқ 5 фоизли пунктдан кўп бўлмаган миқдорда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан уч йил муддатгача компенсация қилиш тартиби ўрнатилсин.

4. Электротехника тармоғи корхоналарини Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги чоралари жорий этилсин:

2024 йил 1 январга қадар электротехника ва электромаиший маҳсулотларни барча мамлакатларга, шу жумладан кўшни давлатларга экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизини, бироқ маҳсулотлар экспорт қийматининг (транспорт харажатларисиз) автомобиль транспортида 15 фоиздан, темир йўл транспортида 20 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда қоплашга субсидиялар тақдим этиш;

молиялаштириш манбаларидан қатъи назар танловлар (тендерлар) доирасида аванс тўловларини амалга ошириш (қайтариш), хорижий валютадаги шартнома шартларини бажариш ва етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича кафолат муддатларини таъминлаш юзасидан маҳаллий тижорат банкларидан кафолатлар олишда гаров таъминоти сифатида кафолат суммасининг 50 фоизгача, бироқ 3 миллион АҚШ долларидан ошмаган миқдорда кафилликлар бериш.

Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С.У. Умурзаков) бир ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш тартибини тасдиқласин.

5. 2021 йил 1 апрелдан 2024 йил 1 январга қадар муддатга ҳисобот даври якунлари бўйича электротехника маҳсулотларини сотишдан тушган тушуми миқдори умумий тушумининг 80 фоиздан кам бўлмаган электротехника тармоғи корхоналарига фойда солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича ставкаларни 50 фоизга камайтириш тарзида солиқ имтиёзлари берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу бандда назарда тутилган солиқ имтиёзларининг берилиши муносабати билан бўшаган маблағлар:

корхоналар томонидан дивидендлар кўринишида тақсимланмайди;

янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилишга йўналтирилади.

6. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг:

«Олмалиқ КМК» АЖ томонидан ишлаб чиқарилган мис катодини биржа савдоларига қўйишда унинг бошланғич нархини қўшилган қиймат солиғисиз Лондон металл биржаси нархидан 2021 йил 1 апрелдан — 8 фоиз, 2022 йилда — 6 фоиз ва 2023 йилда — 4 фоиз миқдорида чегирма билан,

2024 йил 1 январдан эса Лондон металл биржаси нархида (экспортга реализация қилинадиган нархда) белгилаш;

2021 йил 1 апрелдан бошлаб мис хом ашёсини биржа савдолари орқали харид қилишда юқори технологияли ишлаб чиқариш жараёнини жорий этган тармоқ корхоналари томонидан тўловнинг 25 фоизини аванс тарзида ва қолган 75 фоизини мис хом ашёси олинганидан сўнг 90 иш куни ичида ҳар ойда тенг улушларда амалга ошириш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К. Абдиназаров) «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси (М.М. Юнусов) билан биргаликда икки ҳафта муддатда юқори технологияли ишлаб чиқариш жараёнини жорий этган тармоқ корхоналарининг рўйхатини тасдиқлаб, «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ га киритсин ва ушбу рўйхатни зарур ҳолларда янгилаб борсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

мазкур қарорнинг 3 ва 4-бандларида назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чоралари мис катоди ва мис катанкасини ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилишга татбиқ этилмайди;

«Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг кафолатига асосан юқори технологияли ишлаб чиқариш жараёнини жорий этган корхоналарга товарларни экспорт қилишда ноль даражали солиқ ставкаси қўлланилиши натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг салбий фарқ суммаси уч кун ичида қоплаб берилади. Бунда, солиқ суммаси қоплаб берилганидан сўнг, камерал солиқ текшируви белгиланган тартибда амалга оширилади;

экспорт қилувчи электротехника саноати корхоналари томонидан товарлар улар бўйича тўловларни кечиктириб тўлаш шarti билан экспорт қилинганда, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун револьвер кредитларни молиялаштиришга Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан тижорат банкларига фоизсиз молиявий ресурслар тақдим этилади. Бунда, ушбу ресурслар ҳисобидан кредитлар тўловлар кечиктирилган муддатга ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар қиймати миқдорида, бироқ 3 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда йиллик 2 фоизли ставка (банк маржаси) билан ажратилади.

8. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б. Воитов) «Ўзстандарт» агентлиги (Д.Н. Саттаров) ва «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси (М.М. Юнусов) билан биргаликда:

2021 йил 1 октябрга қадар электротехника ва электромаиший маҳсулотларнинг техник регламентлар ва халқаро талабларга мувофиқлигини (хавфсизлик кўрсаткичлари ва энергия самарадорлигини) баҳолаш бўйича замонавий синов лабораторияси ва сертификатлаштириш марказини ташкил этиш ишларини якунласин;

2022 йил 1 мартга қадар синов лабораторияси фаолиятини халқаро меъёрлар асосида ривожлантириш ва тармоқнинг экспорт салоҳиятини оширишни инобатга олган ҳолда, уни халқаро аккредитациядан ўтказиш чораларини кўрсин.

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси (М.М. Юнусов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К. Абдиназаров), «Ўзстандарт» агентлиги (Д.Н. Саттаров) билан биргаликда уч ой муддатда синов лабораторияси учун зарур асбоб-ускуналар рўйхати шакллантирилиши, уларнинг хариди бўйича лойиҳаолди ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини ташкил этсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж.А. Қўчқоров, С.У. Умурзаков) «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси (М.М. Юнусов) билан биргаликда синов лабораториясини ташкил этиш учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан «Ўзстандарт» агентлигига зарур маблағлар (35 миллиард сўмгача) ажратилишини, синов лабораторияси «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси биносида жойлаштирилишини ва унинг асбоб-ускуналари «Ўзэлтехсаноат» уюшмасига оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилишини таъминласин.

9. Қуйидагилар Электротехника саноатини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча йўналишлар сифатида белгилансин:

юқори қўшилган қийматли мис маҳсулотларини экспорт қилувчи тармоқ корхоналарининг маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни ташқи бозорларда сотиш билан боғлиқ харажатларини маҳсулот турларидан келиб чиқиб, экспорт қийматининг 6 фоизигача миқдорда қоплаш;

электротехника ва электромаиший маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш мақсадида, ҳудудларда электротехника саноатига ихтисослаштирилган индустриал технопарклар ташкил этиш;

тармоқ корхоналарининг ташқи бозорларда ўз маҳсулотларининг жозибадорлигини ошириш бўйича маркетинг тадқиқотлари олиб бориши, тармоқ лойиҳаларининг лойиҳаолди ҳужжатларини (бизнес-режалар, техник-иқтисодий асослар ва бошқалар) ишлаб чиқилиши, шунингдек, жаҳон бозорини ўрганиш ва маркетинг таҳлилларини амалга ошириш учун халқаро маълумотлар базаларига (ахборот ресурсларига) уланиши билан боғлиқ харажатларини 50 фоизигача қоплаш;

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ижро аппаратида хорижий мутахассис ва экспертларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни қисман ёки тўлиқ молиялаштириш.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Электротехника саноатини ривожлантириш жамғармасига республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан 2021 йилнинг биринчи, иккинчи ва учинчи чоракларида тенг улушларда 75 миллиард сўм миқдоридан маблағ ажратилишини таъминласин ва кейинги йилларда бюджет параметрларида ушбу мақсадлар учун маблағларни назарда тутсин.

10. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил март ойидан бошлаб ҳар йили маҳаллий ва хорижий корхона вакиллари, салоҳиятли инвесторлар, экспертлар ва тармоққа алоқадор бошқа мутахассисларни жалб қилган ҳолда, Электротехника ва электроника

халқаро савдо кўргазмасини («Uzbek International Electrotechnics & Electronics Fair») ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси (М.М. Юнусов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б. Воитов) бир ой муддатда электротехника ва электроника халқаро савдо кўргазмасига тайёргарлик кўриш ҳамда уни юқори савияда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва амалга оширишни бошласин.

11. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А. Вафаев) 2021 йил 1 декабрга қадар электротехника саноатини ривожлантириш ва тармоқда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

12. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

давлат дастурлари доирасида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан, шунингдек, давлат-хусусий шериклик шартларида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича танлов (тендер) ўтказилганда маҳаллий маҳсулотлар сотиб олинишини назарда тутувчи «миллий контент» тизимини жорий этиш юзасидан таклифларни;

илмий тадқиқотларга ва тажриба-конструкторлик ишланмаларга доир харажатларни фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базадан 2 коэффициент қўлланилган ҳолда чегириш тартибини назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К. Абдиназаров), «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси (М.М. Юнусов):

Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда ушбу ҳудудларда электротехника саноатига ихтисослаштирилган индустриал технопарклар ташкил қилиш юзасидан;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 3-иловага мувофиқ 2021 йил 1 апрелдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва С.У. Умурзаков белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбе-

кистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 2 март,
ПҚ-5011-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 2 мартдаги
ПҚ-5011-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 январдаги «Электротехника саноатининг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4090-сон қарориди:

13-банд «маҳсулот» сўзидан кейин «ва бутловчи қисмлар» сўзлари билан тўлдирилсин;

16-банднинг биринчи хатбошисидаги «Фурқат кўчаси, 1-уйда» сўзлари «Кўкча дарвоза кўчаси, 1-боши берк кўча, 10-уйда» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 майдаги «Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4348-сон қарориди:

а) 3-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «Ишчи гуруҳига (Р. Гулямов)» сўзлари «Ишчи гуруҳига (Д. Султанов)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг «г» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Жамғармага ажратиладиган маблағлар қуйидаги мақсадлар учун сарфланади:

электротехника ва электромаиший маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарда халқаро стандартларни жорий этиш, маҳсулотларни чет эл бозорлари талабларига мувофиқ сертификатлаштириш тадбирлари билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин битта ҳолат бўйича эквиваленти 20 минг АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш;

юқори қўшилган қийматли мис маҳсулотларини экспорт қилувчи тармоқ корхоналарининг маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни ташқи бозорларга сотиш билан боғлиқ харажатларини маҳсулот турларидан келиб чиқиб, экспорт қийматининг 6 фоизигача қоплаш;

стартап-лойиҳаларини молиялаштириш, электротехника саноати тармоғида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг устав фондларини (капиталларини) шакллантиришда иштирок этиш, махсус инжиниринг марказлари ва тажриба-конструкторлик бюрolarини ташкил этиш;

электротехника ва электромаиший маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш мақсадида, бўш турган ва фойдаланилмаётган бино-иншоотларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва улардаги ташқи муҳандислик-коммуникация тизимларини яхшилаш, шунингдек, ҳудудларда электротехника саноатига ихтисослаштирилган индустриал технопарклар ташкил этиш;

электротехника ва электромаиший маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарга тендер савдоларида иштирок этиш учун қисқа муддатга молиявий кафилликлар бериш;

электротехника саноати тармоғи корхоналарининг халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этиши билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизини, лекин битта ҳолат бўйича эквиваленти 10 минг АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш;

электротехника саноати тармоғи корхоналарининг ташқи бозорларда маҳсулотларнинг оммабоплигини ошириш бўйича маркетинг олиб бориши, тармоқ лойиҳаларининг лойиҳаолди ҳужжатларини (бизнес-режа, техника-иқтисодий асослар ва бошқалар) ишлаб чиқиши, шунингдек, жаҳон бозорини ўрганиш ва маркетинг таҳлилларини амалга ошириш учун халқаро маълумотлар базаларига (ахборот ресурсларига) уланиши билан боғлиқ харажатларини 50 фоизигача қоплаш;

маҳаллий электротехника ва электромаиший маҳсулотларни илгари суриш бўйича республикада ва хорижий давлатларда кўргазма ва ярмаркалар ташкил этиш, семинарлар ўтказиш, тақдимот материаллари ва кўргазма стендларини тайёрлаш;

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ижро аппаратига хорижий мутахассис ва экспертларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни қисман ёки тўлиқ молиялаштириш»;

г) 9-банддаги «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар 2022 йил 1 январга қадар» сўзлари «Электротехника саноати тармоғи корхоналари 2025 йил 1 январга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 4-илова* қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4812-сон қарори 1-банди «а» кичик бандининг тўртинчи хатбошисидаги «СІР» қисқартмаси «DDP» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 2 мартдаги
ПҚ-5011-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил
1 апрелдан ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган
айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-3454-сон қарорининг 31¹-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги «Таркибида мис бўлган маҳсулотлар экспортини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3768-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 январдаги «Электротехника саноатининг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4090-сон қарорининг 5-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 майдаги «Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4348-сон қарорининг 15-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**88** **Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши сифатида белгиланган.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирокчи ва ҳамкор сифатида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2021 йил 1 мартдан бошлаб:

нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилган (маълумот учун) ҳолда хорижий манбалардан олинадиган пул маблағлари ва мол-мулкнинг бир календарь йилидаги жами суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан юз бараваригача оширилади;

нодавлат нотижорат ташкилотини қайта рўйхатдан ҳамда унинг рамзини давлат рўйхатидан ўтказиш муддати бир ойдан ўн беш кунгача қисқартирилади;

ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, нурунийлар, хотин-қизлар, болалар жамоат бирлашмалари раҳбарларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун давлат божи ундирилмайди;

нодавлат нотижорат ташкилотининг алоҳида бўлинмаси юридик шахс ҳисобланади, бунда алоҳида бўлинмаларни ҳисобга қўйиш тартиби бекор қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (кейинги ўринларда — Жамоат фонди) маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси ҳамда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг (кейинги ўринларда — Ассоциация) қуйидаги таклифлари маъқулансин:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 мартда эълон қилинган.

маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳаларни молиялаштириш учун Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига давлат субсидиясини ажратиб бориш;

Ассоциация ва унинг ҳудудий бўлинмалари бошқарув ходимларининг умумий чекланган сонини 44 нафар этиб белгилаш ҳамда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини икки бараварга ошириш;

Ассоциация марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларини зарур техника, автотранспорт воситаси, офис анжомлари, мебель жиҳозлари билан таъминлаш ҳамда бошқа моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Ассоциацияга икки ҳафта муддатда Ассоциациянинг янгиланган тузилмасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия этилсин.

Мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун Жамоат фондига «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунида зарур маблағлар кўзда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Молия вазирлиги мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутишни таъминласин.

3. Ассоциация фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат органларида, судларда, халқаро, хорижий, шунингдек, бошқа ташкилотларда ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш;

нодавлат нотижорат ташкилотларини Ассоциацияга бирлаштириш, уларнинг фаолиятини йўналтириш, ривожлантириш, шунингдек, самарадорлиги ва сифатини оширишга қўмаклашиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, халқаро ва хорижий тузилмалар ҳамда давлат органлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда иштирок этиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ташаббусларини амалга ошириш учун уларга қулай ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлар яратишга қўмаклашиш;

мамлакатда демократик жараёнларни барқарор ривожлантириш ва илгари суришда аъзолар ҳамда ҳамкорларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳамда соҳани тартибга солувчи қонунчиликни тақомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ва ходимларининг ташкилотни самарали бошқариш, молиявий барқарорликка эришиш, ижтимоий муҳим лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ижтимоий шериклик ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, волонтерларни, хайрия ва бошқа

ресурсларни жалб қилиш, ижтимоий менежмент, ижтимоий тадбиркорлик йўналишларида салоҳиятини ошириш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари учун қўлланмалар, ўқув дастурлари, китоблар, мамлакатимизга мос назарий ёндашувларни ишлаб чиқиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Ассоциация раҳбари бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси раисининг, Ассоциация ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари эса — ҳудудий жамоатчилик палаталари раисларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари масалалари бўйича жамоатчилик асосида фаолият юритадиган маслаҳатчилари ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳридаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари»га ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳаларда ўз фаолиятини амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотларини жойлаштириш Ассоциациянинг тавсияномаси асосида амалга оширилади.

Ассоциацияга бир ой муддатда кенг жамоатчилик таклифлари асосида нодавлат нотижорат ташкилотларини «Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари»га жойлаштириш учун тавсиянома бериш тартибини ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

5. «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати, «Тараққиёт стратегияси» маркази ва Ассоциациянинг халқаро грант маблағлари ҳисобидан иловага* мувофиқ 2021-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида фуқаролик жамияти институтлари фаоллари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, янги фуқаролик ташаббусларини амалга ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш, мавжуд муаммоларнинг ечими юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда шахсий билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилувчи коворкинг-марказларини ташкил этиш ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари коворкинг-марказларини ташкил этиш, шунингдек, ушбу ташаббуснинг самарали ва тўлиқ амалга оширилишида ҳар томонлама кўмаклашсин.

6. Белгилансинки:

фаолиятини устав мақсадларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида олиб борадиган ҳамда икки ёки ундан ортиқ маъмурий-ҳудудий бирликда алоҳида бўлинмаларига эга бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари республика нодавлат нотижорат ташкилотлари этиб эътироф этилади;

фаолиятини устав мақсадларига мувофиқ вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудида олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланади;

ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтка-

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасида ижтимоий шерикликни амалга ошириш соҳалари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлик ва идоралар белгиланган ижтимоий шериклик соҳаларидан келиб чиқиб, бир ой муддатда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бериладиган давлат ижтимоий буюртмаларининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган режаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Адлия вазирлиги (М. Икрамов) вазирлик ва идораларга давлат ижтимоий буюртмасини бериш юзасидан услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатиб борсин.

8. Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) Олий суд (К. Камиллов) ва Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) билан биргаликда икки ҳафта муддатда давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонуний фаолиятига аралашганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ассоциацияга «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати билан биргаликда давлат ижтимоий буюртмалари рўйхати, унинг ижрочилари, ижро ҳолати ва эришилган натижаларни назарда тутувчи ижтимоий шериклик лойиҳаларининг ягона базасини яратиш, юритиш ҳамда расмий веб-сайтларига жойлаштириш тавсия этилсин.

10. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) 2021 / 2022 ўқув йилидан бошлаб Ассоциациянинг буюртманомаларига кўра республикадаги олий таълим муассасалари талабалари тегишли таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқариш амалиётидан ўтиши учун Ассоциацияга мунтазам юборилишини таъминласин.

11. Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камиллов) Ассоциацияга турдош хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишда, соҳа бўйича тажриба алмашиш учун уларнинг малакали мутахассисларини жалб этишда кўмаклашсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

бир ой муддатда тегишли молия, бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларининг тузилмалари ва уларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларини тасдиқласин;

2021 йилда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларидан мазкур жамоат фондларини сақлаш харажатларига ҳамда уларнинг асосий фаолият йўналишларини амал-

га ошириши учун 1,1 миллиард сўмдан кам бўлмаган маблағларни йўналтирсин;

Ассоциациянинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмаларига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида зарур шарт-шароитлар яратилган алоҳида хизмат хоналарини ажратсин.

13. Ассоциация марказий аппарати ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1А-уй манзилида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

14. Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев, адлия вазири Р.Қ. Давлетов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июль ва 2022 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 3 март,
ПҚ-5012-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**89 Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Ички истеъмол бозорида гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик озуқа базасини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни кенг жорий этиш мақсадида:

1. Белгилансинки:

2021 йил 1 мартдан бошлаб Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг компенсация ва кафиллигидан фойдаланган чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва кўнчилик йўналишидаги кредити бўйича тўловларни ўз вақтида қайтараётган тадбиркорлик субъектларига, уларнинг кредит бўйича қарздорлиги тўлиқ қопланмагунча, янги кредитлар бўйича жамғарманинг кафиллигидан яна фойдаланишга рухсат берилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4243-сон қарори 2-бандига мувофиқ берилган имтиёзлар чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи барча хўжалик субъектларига ва омухта ем ишлаб чиқарувчи корхоналарга нисбатан ҳам татбиқ этилади;

2021 йил 1 январдан бошлаб 2024 йил 1 январга қадар наслчилик субъектлари учун уларнинг асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари), мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдоридан қўлланилади.

2. Тадбиркорлик субъектлари томонидан 1-иловада** келтирилган товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда:

уларни олиб киришда ҳисобланган қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддати 180 кунга узайтирилади;

тўланган қўшилган қиймат солиғининг ҳисобот даври якунидаги салбий фарқ суммаси солиқ тўловчининг аризасига асосан тезлаштирилган тартибда 20 кундан кечиктирмасдан қоплаб берилади ҳамда солиқ суммаси қоплаб берилгандан сўнг, камерал солиқ текшируви умумий тартибда амалга оширилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 июлдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 мартда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чорвачилик хўжаликларига — ўз хўжаликларида етиштирилиб, гўшт учун реализация қилинган йирик ва майда шохли қорамоллар тирик вазнининг ҳар бир килограмми учун 2 000 сўм ҳамда сутининг ҳар бир литри учун 200 сўм;

паррандачилик хўжаликларига — ўз хўжаликларида етиштирилиб, реализация қилинган тухумнинг ҳар бир донаси учун 50 сўм ҳамда парранда гўштининг ҳар бир килограмми учун 800 сўм;

балиқчилик хўжаликларига — интенсив усулда етиштирилган совуқ сув балиқлари (лосос, форель ва осётр)нинг ҳар бир килограмми учун 3 000 сўм, қолган турдаги балиқлар учун 1 000 сўм миқдоридан республика бюджетидан субсидия ажратилади.

Ушбу бандда назарда тутилган субсидиялар қўшилган қиймат солиғидан қарздорлиги мавжуд бўлмаган, шунингдек, контрагентларни танлашда лозим даражада эҳтиёткор бўлган корхоналарга уларнинг субсидиялар олиш тўғрисидаги аризаларига асосан кейинги ойнинг 25 санасигача ажратилади.

4. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига ўзлари томонидан етиштирилган ва реализация қилинган маҳсулотлар учун субсидиялар ажратиш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

«Ўзбекчорванасл» агентлиги марказий аппарати тузилмасида 5 та штат бирлигидан иборат Паррандачилик ва қуёнчилик соҳаларини ривожлантириш бошқармасини ташкил этиш;

«Ўзбекчорванасл» агентлиги директорининг паррандачилик ва қуёнчилик соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозимини киритиш;

«Ўзбекчорванасл» агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар «Чорванасл» марказларида 2 та штат бирлигидан иборат паррандачилик ва қуёнчилик ишларини ривожлантириш секторини ташкил этиш;

Давлат ветеринария хизмати тизимида чорва моллари, паррандалар ва балиқлар озуқаси таркибини таҳлил қилиш ҳамда паррандалар касалликлари ташхисини қўйиш бўйича лабораторияларни ташкил этиш;

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига қўшимча равишда республикада гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи, тайёрловчи ҳамда реализация қилувчи корхоналар фаолиятини ривожлантиришга, шунингдек, ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга қўмаклашиш вазифасини юклаш.

6. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси «Ўзбекчорванасл» агентлиги марказий аппарати ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар «Чорванасл» марказлари тузилмасига киритилаётган ўзгартиришларни ҳамда чорва моллари ва паррандалар ва балиқ-

лар озуқаси таркибини таҳлил қилиш ва паррандалар касалликлари ташхисини қўйиш бўйича лабораториялар ходимларини мазкур қўмита тизимининг умумий штат бирликлари ҳисобига шакллантирсин.

2021 йил 1 апрелга қадар чорва моллари ва паррандалар озуқаси таркибини таҳлил қилиш ҳамда паррандалар касалликлари ташхисини қўйиш бўйича лабораторияларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 3 миллиард сўм маблағ ажратилсин.

7. Қўйидагилар «Ўзбекчорванасл» агентлигининг паррандачилик ва қуёнчилик соҳасидаги қўшимча вазифалари этиб белгилансин:

паррандачилик ва қуёнчилик тармоғини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурий чора-тадбирлар амалга оширилишини мувофиқлаштириш, ягона илмий-техник, технологик, инвестициявий ва экспорт сиёсатини изчил амалга ошириш, шунингдек, ички ва ташқи бозорларда нархлар мониторингини олиб бориш;

паррандачилик ва қуёнчилик маҳсулотларини сотиш бозорларини кенгайтириш бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, маҳсулотлар нархлари шаклланишининг мақбул механизмини белгилаш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

парранда ва қуёнлар учун тўла қийматли, юқори оқсилли озуқалар ишлаб чиқариш учун янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш йўли билан паррандачилик ва қуёнчилик тармоғининг озуқа базасини мустаҳкамлаш;

паррандачилик ва қуёнчилик маҳсулотларини етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳасида ишлаб чиқилган инновацион технологияларни кенг жорий этиш учун илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни ташкил қилиш.

8. Молия вазирлиги:

а) «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда балиқчилик хўжаликлари томонидан сунъий сув ҳавзалари, уларда етиштириладиган балиқлар ва балиқчилик технологик ускуналарини суғурталаш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, бўрон, довул, сел, сув тошқини, зилзила, касалликлар оқибатида нобуд бўлиш, мазкур жойга хос бўлмаган даражада ҳавонинг совуқ ёки иссиқ келиши, портлаш, балиқхўр қушлар томонидан зарар етказилиши ва учинчи шахс томонидан қасдан қилинган ҳаракат, ўғрилиқлар (жиноят иши очилган бўлса) суғурта ҳодисалари сифатида суғурталаш тартибида назарда тутилсин;

б) «Ўзбекчорванасл» агентлиги билан биргаликда республикада фаолият юритаётган паррандачилик корхоналаридаги мавжуд паррандаларни турли касалликлар ва фавқулодда вазиятлар (электр энергияси ва табиий газдаги узилишлар) оқибатида нобуд бўлишини суғурталаш тартибини ишлаб чиқсин.

Бунда, паррандалар бош сонини суғурталаш бўйича суғурта товонининг 50 фоизигача бўлган қисми Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аҳолига сифатли ва арзон парранда ҳамда балиқ маҳсулотларини етказиб беришни ташкил этиш мақсадида «Паррандасаноат» ва «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмалари таклифига асосан:

паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига ўзи ишлаб чиқарган тухум, парранда гўшти ва балиқ маҳсулотларини сотиш учун деҳқон бозорлари ва аҳоли гавжум ҳудудлардан (арзонлаштирилган савдо ярмаркалари ўтказилиши белгиланган жойлар негизда) ўрнатилган тартибда доимий савдо жойлари (нуқталари);

хар бир деҳқон бозорида ҳамда шаҳар (туман)даги аҳоли гавжум жойларда камида 2 тадан энгил конструкция асосида парранда ва балиқ маҳсулотлари сотишга мўлжалланган савдо дўконларини куриш учун жой ажратилишини таъминласин.

10. «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ рапс (уруғи, шроти, кунжараси, ёғи), писта (уруғи, шроти, кунжараси, ёғи), соя (уруғи, шроти, кунжараси, ёғи), балиқ уни ва ёғи, арпа, макка, фосфат (трикальций, монокальций, дикальций) ва холин хлорид маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хорижий компанияларни биржа савдоларига жалб қилиш чораларини кўрсин.

Маҳсулотларни биржа орқали миллий ёки хорижий валютада импорт қилишга рухсат берилади.

11. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Давлат божхона қўмитаси ва «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ билан биргаликда икки ой муддатда халқаро тажрибани ўрганган ҳолда биржа савдолари орқали маҳсулотлар импортини амалга оширишда «биржа омбори» хизматларидан фойдаланиш механизмини жорий этиш бўйича таклиф киритсин.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигининг чорвачилик йўналишидаги лойиҳалари, лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари лойиҳа доирасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартномалар ва мол-мулклар билан биргаликда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига ўтказилсин.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш бўйича Франция тараққиёт агентлигининг кредит линиясини 2021 йил 1 июлига қадар ҳамда Жаҳон банки кредит линиясини 2021-2022 йилларда жалб қилиш чораларини кўрсин.

13. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Андижон вилояти ҳокимлигининг 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ҳузуридаги Марҳамат энгил саноат техникуми негизда Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Андижон ветеринария медицинаси техникумини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб республикадаги барча ветеринария медицинаси ва агротехнологиялар техникумларида паррандачилик, ветеринария, балиқчилик, асаларичилик ва қуёнчилик йўналишларида мутахассислар тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси асосида қабул квота параметрларини шакллантирсин.

15. Қашқадарё вилоятининг Касби, Нишон, Миришкор ва Косон туманларини чорвачиликка ихтисослаштириш, ушбу туманларда замонавий чорвачилик комплексларини ташкил этиш мақсадида қуйидагилар:

Қашқадарё вилоятида чорвачиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури 2-иловага* мувофиқ;

Қашқадарё вилоятида 2021-2022 йилларда Дастур доирасида ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича прогноз кўрсаткичлари 3-иловага* мувофиқ;

Қашқадарё вилоятида 2021-2022 йилларда суғориш каналларини тозалаш ҳисобига қўшимча ер майдонларини ўзлаштириш параметрлари 4-иловага* мувофиқ;

Қашқадарё вилоятида 2021-2022 йилларда пичанзор ва яйлов ерларида янгидан қазиладиган қудуқлар дислокацияси 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

16. Белгилансинки:

а) ушбу қарорнинг 4 ва 5-иловасига мувофиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

б) қўшимча ер майдонларини ўзлаштириш ҳисобига қайта фойдаланишга киритиладиган ер майдонларида қуриладиган қудуқларга ўрнатиладиган насослар тегишли агрокластер, фермер ва деҳқон хўжаликларининг балансига ҳамда уларга ўрнатиладиган трансформатор ва электр узатиш тармоқлари «Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари» АЖ балансига ўтказилади.

в) Қашқадарё вилоятининг барча туманларида чорвачиликни ривожлантиришга оид лойиҳаларни амалга оширишга:

АТ «Халқ банки» ва бошқа тижорат банклари томонидан 2021-2022 йилларда хорижий молия институтлари кредит линиялари ҳисобидан 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар йўналтирилади;

Қашқадарё вилоятига 2021-2022 йилларда чет давлатлардан олиб келинадиган чорва молларини сотиб олиш учун аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига зарур кредитлар ваколатли банклар томонидан Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида мавжуд ресурслар ҳисобидан ажратиб борилади.

17. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги:

* 2 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тадбиркорлик субъектларини чорвачилик билан шуғулланишга қизиқтириш, уларни чорвачилик соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун ўқитиш, шунингдек, бу жараёнга хорижий мамлакатлардан малакали мутахассисларни жалб қилиш;

чорвачилик соҳасига оид семинар, анжуман, ярмарка ва кўргазмалар ташкил қилиш, шунингдек, маҳаллий чорвадорларнинг хорижий мамлакатларда ўтказиладиган ярмарка ва кўргазмаларда иштирокини таъминлаш;

қўшилган қиймат занжирини яратиш мақсадида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар ўртасида кооперацияни йўлга қўйиш бўйича яқиндан амалий ёрдам кўрсатсин.

18. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда лойиҳа ташаббускорларига ажратилаётган ер участкаларида уларнинг мурожаатига асосан ер остидан сув чиқариш учун суғориш тик қудуқлари бурғулаш жойларини аниқласин ҳамда уларни хабардор қилсин.

19. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси суғориш тик қудуқларини бурғулаш лойиҳаларига гидрогеологик хулоса берилишини таъминласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

21. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ш.М. Ғаниев ва Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 3 март,
ПҚ-5017-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 3 мартдаги
ПҚ-5017-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 ноябрдаги «Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4015-сон қарори 13-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«13. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг «Паррандасаноат» уюшмаси таркибидаги паррандачилик ва ем ишлаб чиқарувчи корхоналарига 2024 йил 1 январга қадар ўз эҳтиёжи учун мақсадли равишда озуқа компонентлари ва қўшимчаларини (ТИФ ТН коди 1001, 1003, 1005, 1201, 1206, 1507, 1512, 2302, 2304, 2306, 2309, 2835, 2922, 2930) темир йўл орқали ташишда, истисно тариқасида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги темир йўллари тариф сиёсатининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегирма бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4576-сон қарори 3-бандининг «б» кичик банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«б) «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасига аъзо бўлган интенсив усулда балиқ етиштирувчи хўжаликларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган 1 дона наслдор она балиқнинг 3,5 миллион сўмгача бўлган харажатлари 50 фоизи миқдорида давлат томонидан субсидия ажратилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**90 Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг таълим ва касбий кўникмалар олиши ҳамда бандлигини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, жойларда «Аёллар дафтари»ни шакллантириш ва унга киритилган хотин-қизлар муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишларини тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш борасидаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида, шунингдек, «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ:

1. Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) 1-иловага** мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш;

хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш;

ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш;

турар жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни белгилаш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалаларни чуқур таҳлил қилиш, илғор тажрибалар асосида мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича қонунчилик ва амалиётни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

хотин-қизларнинг оилаларни мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда уларнинг фарзанд тарбиясидаги ролини ошириш чораларини кўриш;

ҳудудий хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашлари, маҳаллалардаги «Аёл-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 мартда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар маслаҳат кенгашлари» фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш, уларга услубий-амалий кўмаклашиш;

«Аёллар дафтари» билан манзилли ишлаш, мутасадди ташкилотлар, секторлар томонидан хотин-қизларнинг муаммолари ўз вақтида бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

2. Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси (Қ.М. Рафиков) жойларга чиққан ҳолда қуйидаги йўналишларда ишларни ҳар бир хонадон ва маҳалла кесимида ташкил этиши белгилаб қўйилсин:

хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишларини уйма-уй юриш орқали ўрганиш ишларини ташкил этиш, сектор раҳбарлари, маҳалла раислари ва уларнинг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарларининг аёллар билан ишлаш борасидаги фаолиятини самарали ташкил қилиш;

«Аёллар дафтари»ни шакллантириш ва унга киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишлаш, ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ҳамда зўравонликка учраган аёллар муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича масъул идора ва раҳбарларнинг натижага йўналтирилган фаолиятини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш;

сектор раҳбарлари, ҳокимларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан жойлардаги хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиб, амалга ошириш ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳар ойда ҳисобот беришни йўлга қўйиш;

муҳтож хотин-қизларни санаториялар, даволаш-профилактика муассасаларида соғлигини тиклаш, ички туризм учун яратилган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда саёҳат ва дам олишларини ташкиллаштириш;

юқоридаги масалалар юзасидан мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан марказий ва маҳаллий телевидениеда кўрсатувлар ва чиқишларни ташкиллаштириш.

3. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) сифатида қайта ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган фарзандларини тарбиялаётган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож хотин-қизларга уй-жойларнинг бошланғич бадалини тўлаб бериш;

хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлигини сақлаш, аёллар спортини ривожлантириш, меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга кўмаклашиш;

хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларига ресурс маблағларини белгиланган тартибда жойлаштириш;

хотин-қизларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун зарур шароитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга кўмаклашиш.

Белгилаб қўйилсинки, Республика кенгаши (Т.К. Нарбаева, Қ.М. Рафиқов) Жамғарма маблағлари харажатлари параметрларини тасдиқлайди, маблағлардан тўғри ва самарали фойдаланиш бўйича доимий мониторинг ўрнатади.

4. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Республика кенгашининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ ҳар йили 300 миллиард сўмгача бўлган миқдорда ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланадиган Давлат бюджети маблағлари;

Жамғарманинг бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳисобидан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Белгилансинки:

а) Жамғарма ҳар йили АТ «Халқ банки»га 100 миллиард сўм миқдоридаги маблағларни 2021 йилда Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз паст ставкада, 2022 йилдан бошлаб эса Марказий банкнинг асосий ставкасида йўналтиради;

б) қуйидаги дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган хотин-қизларга мазкур маблағлар ҳисобидан туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари тавсиясига қўра, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 3 йилгача муддат ва 6 ойгача имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваригача бўлган миқдорда кредитлар ажратилади:

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан маъқулланган дастурлар асосида ташкил этилган ўқув курсларини;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, маҳаллалардаги касб-ҳунарга ўқитиш масканлари ҳамда Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ёки нодавлат таълим муассасаларининг касбга ўргатиш ўқув курсларининг махсус ўқитиш дастурларини;

в) ажратиладиган кредитлар, истисно тариқасида, 2022 йил 1 январга қадар Марказий банкнинг асосий ставкаси доирасида, 2022 йил 1 январдан тижорат банки томонидан бозор тамойиллари асосида мустақил равишда белгиланадиган ставкаларда берилади. Бунда, тижорат банклари томонидан бозор тамойиллари асосида мустақил равишда белгиланадиган ставкаларда бериладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш механизми қўлланилади;

г) Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси орқали Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги

«Обод ва хавфсиз маҳалла» жамғармасига ва «Маҳалла ва оила» институтига Давлат бюджетидан ажратиб келинган маблағлар 2021 йилдан бошлаб Молия вазирлиги томонидан тўғридан-тўғри «Обод ва хавфсиз маҳалла» жамғармасига ва «Маҳалла ва оила» институтига ажратилади.

6. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов):

а) 2021 йилда «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилган хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида, уларга ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш ва ижтимоий уй-жойлар сотиб олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига:

нотурар жойларда истиқомат қилаётган аёлларни уй-жой билан таъминлашга — 10 миллиард сўмдан;

отасидан айрилган, ёлғиз онаси қарамоғида бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлашга — 5 миллиард сўмдан маблағ ажратсин;

б) бир ҳафта муддатда аёллар муаммоларини тизимли ва манзилли равишда ўрганиш ва ҳал этиш доирасида шакллантирилган махсус жарроҳлик амалиётлари ўтказиш орқали даволанишга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар рўйхатидаги ҳамда «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилган хотин-қизларнинг даволаниши учун Жамғармага 30 миллиард сўм йўналтирсин.

Белгилансинки, мазкур бандда кўзда тутилган чора-тадбирларни молиялаштиришга Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш харажатлари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан жами 240 миллиард сўм йўналтирилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари:

2021 йилда «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган ва ўзгалар парваришига муҳтож хотин-қизларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш учун 80 миллиард сўм, шунингдек, нотурар жойларда истиқомат қилаётган хотин-қизларга турар жой ижараси компенсациясини тўлаш учун 11 миллиард сўм;

ҳар чоракда маҳаллий бюджет прогнозининг ортиқча бажарилган қисмининг камида 15 фоизини «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирсин.

Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев) 2021 йилда мажбурий ундирувлар ҳисобидан «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаларига 150 миллиард сўм маблағ йўналтирилишини таъминласин.

8. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Г.М. Маруфова) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда 2021 йил 1 майга қадар мазкур қарорнинг 6-7-бандларида назарда тутилган маблағлар йўналтириладиган хотин-қизлар рўйхатини шакллантириб, тўловларни амалга оширишни бошласин.

Республика кенгаши (Т.К. Нарбаева, Қ.М. Рафиқов) ушбу маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши ва манзилли ишлатилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин ҳамда масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб борсин.

9. Республика «Хунарманд» уюшмаси (У.Т. Абдуллаев) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Г.М. Маруфова), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда хотин-қизларни хунармандчиликка жалб этиш чора-тадбирларини амалга оширсин. Бунда:

2021 йил мобайнида ҳар бир ҳудудда асосан хотин-қизлар фаолият юритадиган хунармандчилик турларига ихтисослашган кластерлар фаолияти тажриба сифатида жорий этилади;

ушбу кластерлар хунармандчилик маҳсулотлари учун хом ашё етиштириш, уни қайта ишлаш ва сотиш фаолиятини қамраб олади, шунингдек, кластерлар устав капиталининг 50 фоизи тенг улушларда Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ва Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси, қолган 50 фоизи хунармандларнинг ўз маблағи ҳисобидан шакллантирилади.

10. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов), Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Г.М. Маруфова), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

«Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»ни самарали юритиш, ишсиз фуқароларга бандлик соҳасида тизимли ёрдам кўрсатиш ҳамда «маҳаллабай» тизим асосида ишларни ташкил қилиш мақсадида ҳар бир маҳаллада меҳнат инспекторига «жамоатчи ёрдамчи»ларни жалб этиш;

«жамоатчи ёрдамчи»лар билан 11 ой муддатгача жамоат шартномалари тузиш ҳамда уларнинг иш ҳақини меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир ярим баравари миқдорида белгилаш;

«жамоатчи ёрдамчи»ларнинг иш ҳақини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан молиялаштириш.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов) бир ой муддатда:

ўз тасарруфига ўтаётган касб-хунар таълим муассасаларининг бўш турган қисмини тадбиркорлик субъектларига ўқув хонаси ва ишлаб чиқариш цехи ташкил этиш учун 30 йилгача бўлган муддатга имтиёзли ижарага бериш тартибини;

хотин-қизлар тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг 3 ой мобайнида уларга берилган бўш турган биноларнинг ижара тўловларини Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача бўлган миқдорда тўлаб бериш, шунингдек, бўш турган биноларни 1 йил

гача бўлган муддатда имтиёзли равишда ижарага бериш тартибини жорий этсин.

12. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Г.М. Маруфова) бир ой муддатда:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда хотин-қизларни касбга ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида грантларни эълон қилсин;

Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий тузилмаларини аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида киритилган даъво аризалари бўйича давлат божидан озод қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Бош прокуратура (С.Б. Ортиқова), Адлия вазирлиги (Р.К. Давлетов), Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2021 йил якунига қадар Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш чораларини кўрсин. Бунда:

бир ой муддатда барча ҳудудларда зўравонликка учраган хотин-қизларга ёрдам кўрсатиш бўйича биттадан намунавий марказлар ташкил қилинсин;

ушбу намунавий марказлар фаолиятини йўлга қўйиш учун Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасидан жами 10 миллиард сўм ҳамда маҳаллий бюджетлар қўшимча манбаларидан маблағлар йўналтирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги ПҚ-4749-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармонига мувофиқ 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг тавсияномасига эга бўлган хотин-қизлар учун давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари ажратилганлиги, шунингдек, эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони икки бараварга ошириш орқали икки мингтага етказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома беришда «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг қиз фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратсин.

15. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб базавий тўлов-контракт асосида давлат олий таълим муассасасига қабул қилинган, ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган мухтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда давлат олий таълим муассасалари ҳисобидан ўқитиш тартиби жорий этилсин. Бунда, ўқиш учун тўлов пуллари:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тош-

кент шаҳар ҳокимликлари томонидан 100 нафардан хотин-қизлар учун ҳар йили маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан;

молиявий барқарор давлат олий таълим муассасалари томонидан уларнинг Кенгаши қарорига асосан 50 нафаргача хотин-қизлар учун давлат олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

16. Мактабгача таълим вазирлиги (А.В. Шин):

а) бир ой муддатда Молия вазирлиги билан биргаликда қўйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин:

ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз аёлларнинг фарзандларини мактабгача таълим ташкилотларига имтиёзли рўйхатга киритиш орқали қабул қилиш;

боқувчисини йўқотган аёлларга фарзандини мактабгача таълим ташкилотлари, шу жумладан оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаларига бериш харажатларини бюджетдан қоплаш;

б) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ой муддатда боланинг илк ривожланишига хизмат қиладиган мактабгача таълимнинг муқобил шакллари янада кенгайтириш мақсадида маҳаллаларда бўш турган ва фойдаланилмаётган бинолар (хоналар)ни хатловдан ўтказсин;

икки ой муддатда мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган маҳаллаларда мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болалар рўйхатини шакллантирсин;

2021 йил якунига қадар мактабгача таълимга эҳтиёж мавжуд бўлган маҳаллаларда, шу жумладан қишлоқ жойларида мактабгача таълимнинг муқобил шакллари ташкил қилиш ва уларни зарур моддий-техника воситалари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

17. «Эл-юрт умиди» жамғармаси (А.Ш. Бекмуродов) Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда бакалавриат босқичини муваффақиятли тамомлаб, хорижий мамлакатларнинг нуфузли таълим, илмий ёки бошқа муассасаларига «Эл-юрт умиди» жамғармасининг стипендиялари асосида ўқишга юбориладиган стипендиатлар орасида хотин-қизлар улушини камида 20 фоизга қўпайтирсин.

18. Олий Мажлис палаталари бир ой муддатда хотин-қизларни, шу жумладан ногиронлиги бўлган аёлларни давлат ва жамият олдидаги фидокорона хизматлари, мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий салоҳиятини оширишга қўшган ҳиссаси, иродаси, илмий ва амалий соҳалардаги эришган ютуқлари учун уларни рағбатлантиришни назарда тутувчи давлат мукофотларини таъсис этиш масаласини кўриб чиқсин.

19. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўз сессияларида мутасадди давлат органлари раҳбарларининг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга қўмаклашиш, шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича ахборотини эшитиб борсин.

20. Қуйидагилар:

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси Ижро этувчи дирекцияси тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Жамғарма Республика кенгашининг ишчи органлари ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

21. Республика кенгаши (Т.К. Нарбаева, Қ.М. Рафиқов) бир ой муддатда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида замонавий ижтимоий ва сиёсий фаол хотин-қизларнинг миллий имижини кенг тарғиб қилиш бўйича медиа-режа ишлаб чиқсин ҳамда унинг ижросини таъминласин.

22. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж. Хаджаев), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Г.М. Маруфова) икки ой муддатда ёшларга ҳар томонлама ўрнатилган бўлаётган аёлларимизни жалб қилган ҳолда, хотин-қизлар учун «Ифбатли аёл» телекўрсатуви намойишини йўлга қўйсин.

23. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хотин-қизларга мотивация бериш мақсадида фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар билан доимий равишда учрашувлар ташкил этиб борсин.

24. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

25. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июль ва 2022 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 5 март,
ПҚ-5020-сон

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

91 Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонининг ижросини таъминлаш, шунингдек, рақобат тўғрисидаги қонун талабларининг бузилиш хавфининг олдини олиш ва бизнес юритишнинг корпоратив стандартларини жорий этишга оид самарали тизимни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонига (кейинги ўринларда — Фармон) мувофиқ фаолиятнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш, уларнинг бузилиш хавфини аниқлаш ва олдини олиш бўйича ички ташкилий тартиб-таомиллар тизими (монополияга қарши комплаенс):

2021 йил 1 январдан тажриба (синов) тариқасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ҳамда Фармонга 5-илова билан тасдиқланган рўйхатга киритилган давлат иштирокидаги корхоналарда;

2022 йил 1 январдан табиий монополия субъектлари, товар ёки молия бозорида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, охириги уч йилда товар сотишдан олинган жами тушумининг ўртача йиллик миқдори 30 миллиард сўмдан ошадиган корпоратив буюртмачиларда жорий этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

а) монополияга қарши комплаенс тизими фаолиятнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар хавфини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган ички ташкилий чора-тадбирлар ва таомилларни ўз ичига олади;

б) қуйидагилар монополияга қарши комплаенс тизимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг эҳтимолий бузилиш хавфларини аниқлаш ва баҳолаш ҳамда уни бошқариш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 мартда эълон қилинган.

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш ва мониторинг қилиш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишининг ҳамда уларнинг раҳбарлари томонидан ўз вазифаларини бажариш жараёнида рақобатга зид хатти-ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини олиш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплекслар тизимини ишлаш самарадорлигини баҳолаш ва таъминлаш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ходимларида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш ва мунтазам равишда ушбу йўналиш бўйича уларнинг малакасини ошириш юзасидан ўқитиш йўли билан рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига доир фикрларини ривожлантириш.

3. Қўйидагилар:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига ички мувофиқликни таъминлашни назарда тутувчи Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплекслар тизимини жорий этиш ва унинг ишлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплекслар тизимини жорий этиш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 2 март,
114-сон

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 2 мартдаги 114-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи
хокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда
монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва
унинг ишлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи хокимият органлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонга 5-илова билан тасдиқланган рўйхатга киритилган давлат иштирокидаги корхоналар, табиий монополия субъектлари, товар ёки молия бозорида устун мавқега эга хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, охириги уч йилда товар сотишдан олинган жами тушумининг ўртача йиллик миқдори 30 миллиард сўмдан ошадиган корпоратив буюртмачиларда (кейинги ўринларда — хўжалик юритувчи субъектлар) монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш, унинг фаолият юритиш ва мониторинг қилиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
монополияга қарши курашиш органи — Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари;
монополияга қарши комплаенс — фаолиятнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар хавфини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган ички ташкилий чора-тадбирлар ва таомиллар тизими;

монополияга қарши комплаенс тўғрисидаги ҳисобот — давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи хокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига амал қилинишини ташкил этиш ҳақидаги ахборотни ўз ичига оладиган ҳужжат;

ваколатли шахс (бўлинма) — давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи хокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъект раҳбарига бевосита бўйсунадиган, монополияга қарши комплаенс тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва унинг тегишли мониторингини, шунингдек, фаолиятини таъминлаш учун масъул бўлган алоҳида таркибий бўлинма ёки шахс;

савдолар — товар ва хизматларни харид қилиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган таомиллар, шу жумладан, электрон савдо таомиллари.

3. Мазкур низом қуйидагилар учун татбиқ этилади:

2021 йил 1 январдан — тажриба (синов) тарикасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи хокимият органлари ҳамда Ўзбекис-

тон Республикаси Президентининг «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонга 5-илова билан тасдиқланган рўйхатга киритилган давлат иштирокидаги корхоналар;

2022 йил 1 январдан — табиий монополия субъектлари, товар ёки молия бозорида устун мавқега эга хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, охириги уч йилда товар сотишдан олинган жами тушумининг ўртача йиллик миқдори 30 миллиард сўмдан ошадиган корпоратив буюртмачилар.

4. Қуйидагилар монополияга қарши компаенс тизимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг эҳтимолий бузилиш хавфларини аниқлаш ва баҳолаш ҳамда уни бошқариш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш ва мониторинг қилиш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишининг ҳамда уларнинг раҳбарлари томонидан ўз вазифаларини бажариш жараёнида рақобатга зид хатти-ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини олиш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши компаенс тизимини ишлаш самарадорлигини баҳолаш ва таъминлаш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ходимларида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш ва мунтазам равишда ушбу йўналиш бўйича уларнинг малакасини ошириш юзасидан ўқитиш йўли билан рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига доир фикрларини ривожлантириш.

2-боб. Монополияга қарши компаенс тизимини ташкил этиш

5. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши компаенс тизимини жорий этиш, унинг фаолият юритишини таъминлаш ва мониторинг қилиш мақсадида ташкилий тузилма, штатдаги ходимлари сони ва фаолият хусусиятига мувофиқ ваколатли шахс (бўлинма) тайинланади.

Хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши компаенс тизимини жорий этиш, унинг фаолият юритишини таъминлаш ва мониторинг қилиш ички аудит хизматига юкланиши мумкин.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши компаенс

тизимини ташкил этиш ва унинг ишлаш самарадорлигини баҳолаш давлат бошқаруви органларида раҳбар томонидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият-да ҳоким томонидан ва хўжалик юритувчи субъектларда ижро этувчи орган ёки кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

6. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг фаолиятини мониторинг қилиш ваколатли шахси (бўлинмаси) томонидан амалга оширилади.

7. Ваколатли шахс (бўлинма) қуйидагиларни амалга оширади:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишини мониторинг қилади;

фаолиятга тегишли материалларни таҳлил қилади (шу жумладан, рақобатни ва (ёки) истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чеклайдиган нормаларни аниқлашга қаратилган ички ҳужжатларни хатловдан ўтказди), аниқланган камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган чораларни ишлаб чиқади;

рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни аниқлайди ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

монополияга қарши комплаенс тизимининг фаолият юритиши билан боғлиқ масалалар бўйича бошқа тузилмавий бўлинмалар билан ўзаро алоқаларни мувофиқлаштиради;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилиш билан боғлиқ ички ўрганиш ишларини ташкил этади;

монополияга қарши курашиш органи билан рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилиши бўйича ўзаро ахборот алмашади;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш мақсадида бир йилга мўлжалланган «йўл харитаси»ни ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;

монополияга қарши комплаенс тизимини ташкил этиш бўйича ички низом ишлаб чиқади ҳамда унинг белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминлайди;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришларни мониторинг қилади, шунингдек, идоравий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар киритади;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини аниқлайди, хавфлар билан боғлиқ ҳолатлар ҳисобини юритади ва юзага келиш эҳтимолини белгилайди;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини аниқлайди, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ходимларига рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига амал қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳатлар беради;

монополияга қарши комплаенс масалалари бўйича мунтазам равишда тренинглар ўтказди;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларнинг лойиҳаларини ўрганади ва рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган нормалар аниқланган тақдирда, бу ҳақда раҳбарни хабардор қилади;

давлат бошқаруви органларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳудудий органлари ўзларининг ҳудудий бўлинмаларида монополияга қарши комплаенс тизимининг жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ташкил этади;

ҳар йили биринчи февралга қадар монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисоботни давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбариятига тасдиқлаш учун тақдим этади.

8. Ваколатли шахснинг (бўлинманинг масъул ходимларининг) лавозимга тайинланиши ва лавозимдан озод этилиши:

давлат бошқаруви органида — раҳбар томонидан;

давлат бошқарув органларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳудудий органларида — мазкур органларининг раҳбарлари томонидан;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида — вилоят, туман (шаҳар) ҳокими томонидан;

хўжалик юритувчи субъектда — ижро этувчи орган томонидан кузатув кенгаши (агар мавжуд бўлса) билан келишилган ҳолда, монополияга қарши органни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

Бунда монополияга қарши органни хабардор қилиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

давлат бошқаруви органи — Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасини;

давлат бошқаруви органларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳудудий органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар — Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармаларига хабарнома юборади.

Ваколатли шахс (бўлинма) давлат бошқаруви органида бевосита раҳбарга, давлат бошқарув органларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳудудий органларида, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида вилоят ва туман ҳокимларига, хўжалик юритувчи субъектда ижро этувчи органга ёки кузатув кенгашига (агар мавжуд бўлса) бўйсунди ва ҳисобдор бўлади.

9. Ваколатли шахс (бўлинманинг масъул ходимлари) лавозимига номзод қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

иктисодиёт, бошқарув тизими (менежмент), ҳуқуқ ёхуд давлат бошқа-

руви органи ёки хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўйича олий маълумотга эга бўлиши;

устувор равишда комплаенс, хавфларни бошқариш, ички аудит ёхуд давлат органи ёки хўжалик юритувчи субъект фаолиятини юридик таъминлаш йўналишлари бўйича камида бир йиллик иш тажрибасининг мавжудлиги.

10. Монополияга қарши курашиш органи:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларга монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва фаолиятини юритишда ҳамда рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича бир йилга мўлжалланган «йўл харитаси»нинг ишлаб чиқилишида кўмаклашади;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича «йўл харитаси»ни амалга ошириш натижаларини ўрганади;

монополияга қарши комплаенс тизимининг асосий самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиш натижаларини баҳолайди;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этилган монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисоботни ўрганади ҳамда камчиликлар ва қонунбузарликлар аниқланган тақдирда, давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларга тегишли огоҳлантиришлар беради;

консалтинг компанияларни жалб этган ҳолда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш бўйича семинарлар, конференциялар ва амалий тренингларни ташкил қилади;

монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг ижросини мониторинг қилиш, рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини аниқлаш ва баҳолаш, монополияга қарши комплаенс тизимини ишлаш самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари ва уни баҳолаш тартиби ҳамда бошқа чора-тадбирларни назарда тутувчи намунавий низомни ишлаб чиқиб тасдиқлайди, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларга етказди ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида жойлаштиради.

3-боб. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилишини аниқлаш

11. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини аниқлаш мақсадида ваколатли шахс (бўлинма) томонидан қуйидагилар амалга оширилади:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилишига ёки бозорда рақобатни чеклашга олиб келадиган нормалар ва қоидаларни аниқлаш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш;

жорий этиладиган янги чекловлар, рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турлари, лицензияларни, шунингдек, рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни ёки лицензияларни олиш учун қўшимча талаблар ёки шартларни ҳамда техник тартибга солиш талабларининг жорий этилишини ўрганиш;

тендер ва биржа савдоларига қўйиладиган монополияга қарши талабларга амал қилинишини таҳлил қилиш;

давлат харидларининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини ўрганиш;

аниқланган рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларини таҳлил қилиш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини қўллаш амалиётини мониторинг ва таҳлил қилиш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини мунтазам равишда баҳолаш;

хўжалик юритувчи субъект томонидан ўзининг устун ҳолатини суистеъмол қилишга, монополь юқори ёки монополь паст нархларни ўрнатишга, контрагентларга манфаатсиз ва чекловчи шартнома шартларини мажбуран қабул қилдиришга, тил бириктиришлар, келишувлар ва келишилган ҳаракатларни аниқлаш, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг товар бозорига киришига тўсиқлар яратишга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни ўрганиш;

хўжалик юритувчи субъектнинг рақобат тартиб-таомилларини, шу жумладан, савдолар ва биржа савдоларини ўтказиш ва уларда қатнашиш бўйича талабларга амал қилишини ўрганиш;

вужудга келиш эҳтимоли бўлган монополияга қарши хавфларни таҳлил қилиш ва уларнинг рўйхатини комплаенс-хавфлар харитаси кўринишида тузиш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлигини мунтазам равишда баҳолаш.

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, монополияга қарши комплаенс тизимининг самарали ишлашига қаратилган бошқа чора-тадбирлар ҳам амалга оширилади.

12. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш бўйича аниқланадиган хавфлар ваколатли шахс (бўлинма) томонидан мазкур низомга иловага мувофиқ даражалар бўйича тақсимланади.

13. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилиши хавфлари бўйича ўтказилган баҳолаш ишлари асосида ваколатли шахс (бўлинма) томонидан хавфлар тавсифи тузилади, унга хавфларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва шартларини баҳолаш ишлари ҳам киритилади.

14. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини таҳлил қилиш, аниқлаш ва баҳолаш тўғрисидаги ахборот монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисоботга киритилади.

4-боб. Монополияга қарши комплаенс тизимининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш

15. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс тизимининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш учун асосий кўрсаткичлар белгиланади.

16. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс тизимининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси монополияга қарши курашиш органи томонидан ишлаб чиқилади.

17. Ваколатли шахс (бўлим) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс тизимининг эришилган асосий самарадорлик кўрсаткичларини баҳолайди (йилда камида бир марта).

18. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши комплаенс тизимининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича асосий кўрсаткичларга эришилгани тўғрисидаги ахборот монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисоботга киритилади.

5-боб. Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот

19. Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфлари бўйича ўтказилган баҳолаш ишларининг натижалари ҳамда камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилиши;

монополияга қарши комплаенс тизимининг асосий самарадорлик кўрсаткичларига эришилгани ҳақидаги ахборот.

20. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тасдиқланган монополияга қарши комплаенс бўйича ҳисобот ўзларининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади ва уч иш куни ичида монополияга қарши курашиш органига юборилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

21. Мазкур низомни қўллаш билан боғлиқ низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

22. Мазкур низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**92 Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари берилган шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлашга маблағлар ажратиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари берилган шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлашга маблағлар ажратиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

бир йўла тўланадиган пул мукофотлари миқдорини ҳисоблаш тартиби;

бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлаш тартиби;

бир йўла тўланадиган пул мукофотларини молиялаштириш тартиби.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир йўла тўланадиган пул мукофотлари учун зарур маблағларнинг Тошкент шаҳар ҳокимлиги молия бош бошқармаси томонидан АТ «Халқ банк»ининг тегишли бўлими (филиали)га ўз вақтида ўтказилиши учун масъул этиб белгилансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 4 март,
120-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 мартда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 4 мартдаги 120-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари берилган
шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлашга
маблағлар ажратиш ва тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси орден ва медаллари билан мукофотланган ҳамда Зулфия номидаги ва «Мард ўғлон» давлат мукофотлари (кейинги ўринларда — давлат мукофотлари) берилган шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлашга маблағлар ажратиш ва тўлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом давлат мукофотлари, гувоҳнома ва диплом тайёрлаш харажатларини молиялаштириш тартибига нисбатан татбиқ этилмайди.

**2-боб. Бир йўла тўланадиган пул мукофотлари
миқдорини ҳисоблаш тартиби**

3. Бир йўла тўланадиган пул мукофотларининг миқдори ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган миқдорларга мувофиқ аниқланади.

4. Бир йўла тўланадиган пул мукофотининг миқдори тақдирлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, қарори ёки Олий Мажлис палаталарининг қарори (кейинги ўринларда — тақдирлаш тўғрисидаги қарор) қонуний кучга кирган пайтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари, давлат бошқаруви органлари, ҳарбий бўлинмалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ижодий жамоалар ҳамда бошқа юридик шахслар, шунингдек, чет эл юридик шахслари давлат мукофотлари билан тақдирланганда бир йўла тўланадиган пул мукофоти тўланмайди.

6. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган шахслар ойлик иш ҳақи ёки пенсиясига қўшимча равишда иш берувчи ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (кейинги ўринларда — Молия вазирлиги) ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорида устама ҳақ оладилар.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3-боб. Бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлаш тартиби

7. Бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлаш ушбу Низомга 2-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Молия бош бошқармаси тақдирлаш тўғрисидаги қарор нусхасини олгандан сўнг беш иш куни давомида зарур маблағларни ҳисоблаб, олувчининг номи ёзилган ҳисоб-китоб чекларини расмийлаштириб бериш юклатилган АТ «Халқ банки»нинг тегишли туман бўлимига (филиалига) (кейинги ўринларда — масъул банк бўлими) ўтказди.

9. Масъул банк бўлими тақдирлаш тўғрисидаги қарор нусхасини олгандан сўнг етти иш куни давомида олувчининг номи ёзилган ҳисоб-китоб чекларини расмийлаштиради.

Банк бўлими томонидан олувчининг номига ёзиб берилган ҳисоб-китоб чеклари уларни давлат мукофотлари берилган шахсларга топширишни ташкиллаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссияга юборади.

10. Бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлаш олувчининг номи ёзилган ҳисоб-китоб чекларига асосан АТ «Халқ банки»нинг барча филиаллари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда, бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлаш банкнинг бошқа бўлими томонидан амалга оширилганда, унинг харажатлари тўланган ҳисоб-китоб чеклари ва реестрлари асосида масъул банк бўлими томонидан қопланади.

11. Шахс вафот этгандан кейин мукофотланган тақдирда бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланган шахснинг яқин қариндошларидан бирига тўланади.

Агар мукофотланган шахснинг яқин қариндошлари йўқ бўлса, бир йўла тўланадиган пул мукофоти тўланмайди ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига қайтарилади.

4-боб. Бир йўла тўланадиган пул мукофотларини молиялаштириш тартиби

12. Бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Молия вазирлиги томонидан бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар тегишли йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тасдиқлаш пайтида режалаштирилади ва тақдирлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинишига қараб йил давомида аниқлаштириб борилади ҳамда аниқ мақсадли ҳисобланади.

13. Бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлаш билан боғлиқ

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

харажатлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги Молия бош бошқармаси томонидан амалга оширилади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг тегишли харажатлар таснифида акс эттирилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

14. Бир йўла тўланадиган пул мукофотлари учун ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

15. Ушбу Низом қоидаларини бузганликда айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

93 Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 4 августдаги ПҚ–4797-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2021 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилсин:

кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Ягона реестр» АТ) орқали аниқлаш; ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш шартлари;

ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилиш ва уни қўриб чиқиш ҳамда уларни тўлаш тартиби;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 мартда эълон қилинган.

ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам учун тўловларни молиялаштириш тартиби.

2. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 апрелга қадар ҳар бир маҳалланинг ID идентификация рақами ва ҳудудий чегараси кўрсатилган ягона электрон маълумотлар базасини ишлаб чиқиб, жорий этсин ва унинг «Ягона реестр» АТга интеграция қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

а) 2021 йил 1 апрелга қадар:

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги, тизимида умумтаълим ташкилотлари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлат ва нодавлат умумтаълим ташкилотларида ўқувчилар бўйича тегишли маълумотларни ўз ичига оладиган ягона электрон маълумотлар базасини ишлаб чиқиб, жорий этсин ва унинг «Ягона реестр» АТ билан интеграция қилинишини таъминласин;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази билан биргаликда ушбу ягона электрон маълумотлар базасининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда — ЖШШИР) маълумотлар базаси билан боғланишини тўлиқ яқунласин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-оналар ҳамда васийликка ва ҳомийликка олинган болалар ва оилага тарбияга берилган (патронат) болалар бўйича электрон маълумотлар базасини ишлаб чиқиб, жорий этсин;

б) 2021 йил 1 апрелдан:

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимига васийликка ва ҳомийликка олинган болалар тўғрисидаги маълумотларни идоралараро электрон маълумотлар алмашинуви орқали тақдим этишни таъминласин;

давлат ва нодавлат умумтаълим ташкилотларига ўқувчини ўқишга қабул қилишдан бошлаб битиргунга қадар (ўқишга қабул қилиш, синфдан синфга ўтказиш, ўқишни кўчириш, ўқишни тугатиш ва бошқалар) тегишли буйруқлар ва бошқа ҳужжатлар фақат ягона электрон маълумотлар базасида шакллантирилишини ва расмийлаштирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаментига 2021 йил 1 апрелдан бошлаб ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-оналар ва уларнинг болалари тўғрисидаги маълумотлар Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимида идоралараро электрон маълумотлар алмашинуви орқали тақдим этилишини йўлга қўйиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги 2021 йил 1 апрелга қадар:

тизимда мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчилар бўйича тегишли маълумотларни ўз ичига оладиган ягона электрон ахборот тизимини ишлаб чиқиб, жорий этсин ҳамда унинг «Ягона реестр» АТ билан интеграция қилинишини таъминласин;

ушбу тизимга давлат, нодавлат ва давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотлари томонидан маълумотлар доимий равишда киритиб борилишини таъминласин;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда ушбу ягона электрон ахборот тизимини ЖШШИР маълумотлар базаси билан боғланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида олий таълим ташкилотлари, касб-хунар мактаблари, коллежлар, техникумлар, академик лицейлар мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2021 йил 1 апрелга қадар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасидаги давлат, нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотлари, касб-хунар мактаблари, коллежлар, техникумлар, академик лицейларнинг талаба (ўқувчи)лари тўғрисида ҳамда уларнинг ўқиш жараёнига тегишли бошқа маълумотларни ўз ичига оладиган ягона электрон маълумотлар базасининг шакллантирилишини яқунласин ва «Ягона реестр» АТ билан интеграция қилинишини таъминласин;

2021 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасидаги давлат, нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотлари, касб-хунар мактаблари, коллежлар, техникумлар, академик лицейларнинг талаба (ўқувчи)ларини ўқишга қабул қилишдан бошлаб таълим ташкилотини битиргунига қадар (ўқишга қабул қилиш, ўқишни кўчириш, академик таътил бериш, талабалар сафидан чиқариш ва бошқалар) ушбу таълим ташкилотларининг тегишли буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари фақат ягона электрон маълумотлар базасида шакллантирилишини ва расмийлаштирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги 2021 йил 1 апрелга қадар ўз ахборот тизимларининг ўзаро интеграциясини таъминласин.

8. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 апрелга қадар барча жисмоний шахсларга ЖШШИР бириктирилишини ҳамда ушбу маълумотларнинг Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг маълумотлар базаси билан интеграция қилинишини тўлиқ яқунласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 2021 йил 1 апрелга қадар жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситаларини созлиги ёки

носозлиги бўйича электрон маълумотлар базасини ишлаб чиқиб, жорий этсин ва «Ягона реестр» АТ ахборот тизими билан маълумотлар алмашинувини йўлга қўйсин.

10. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимидаги идоралараро электрон ўзаро ахборот алмашинуви доирасидаги маълумотлар рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

11. Қўйидагилар:

а) «Ягона реестр» АТ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси қўшма иш режаси асосида ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси томонидан берилган грантлар ҳамда Жаҳон банкининг кредитлари, шунингдек, уларнинг техник ва эксперт жиҳатидан қўллаб-қувватлаши ҳисобидан ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши;

б) «Ягона реестр» АТни ишлаб чиқиш учун ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси томонидан «Development Pathways» ихтисослаштирилган халқаро компания билан шартнома тузилганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 30 июлдаги ПФ-6038-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил сентябрь — декабрь ва 2021 йил январь ойларида меҳнатга лаёқатли ишсиз аъзоси мавжуд бўлганлиги сабабли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш бўйича рад этилган мурожаатлар аввал тақдим этилган аризалар асосида оила аъзосини томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритиш ва бошқа иш билан банд бўлганлигини автоматик равишда белгилаш орқали қайта кўриб чиқилиб, уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинланганлиги, шунингдек, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа олишга тақдим этилган аризалар 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлашга ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг:

«Ягона реестр» АТни «Development Pathways» ихтисослаштирилган халқаро компаниядан 2021 йилнинг якунига қадар босқичма-босқич беғараз қабул қилиб олиш, кейинчалик унинг техник жиҳатдан фаолиятини таъминлаш ва доимий такомиллаштириб бориш ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-ҳисоблаш маркази томонидан амалга оширилиши;

«Ягона реестр» АТ имкониятларини методик жиҳатдан доимий равишда такомиллаштириб бориш ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (кейинги ўринларда — Пенсия жамғармаси) томонидан амалга оширилиши тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, «Ягона реестр» АТ белгиланган тартибда тўлиқ қабул қилингандан сўнг Пенсия жамғармаси унинг эгаси ва фойдаланувчиси ҳисобланади.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам олувчи оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини «Ягона реестр» АТ орқали мунтазам равишда таҳлил қилсин, зарур ҳолларда, оилаларни кам таъминланган деб эътироф этиш мезонларини қайта кўриб чиқиш ва уларга ўзгартириш киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борсин;

ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам олувчи оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати бўйича ҳудудлар ва туман (шаҳар)лар кесимидаги таҳлиллар асосида ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам учун ажратиладиган бюджет маблағларини ҳудудлар ва туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари кесимида режалаштириш механизмини такомиллаштирсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги 308-сон қарори билан тасдиқланган Сирдарё вилоятининг кам таъминланган оилаларига «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомнинг 48-бандидаги «2020 йил 1 октябрғача» сўзлари «2021 йил 1 апрелгача» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари 2021 йил 1 апрелдан эътиборан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 5 март,
122-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 5 мартдаги 122-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Ягона реестр» АТ) орқали аниқлаш ҳамда уларга 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа (кейинги ўринларда — болали оилаларга нафақа), бола икки ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси (кейинги ўринларда — бола парвариши бўйича нафақа), кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам (кейинги ўринларда — моддий ёрдам) ҳамда ун ва қолипчи нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун ҳар ойлик пулли компенсацияни (кейинги ўринларда — компенсация) тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг бола парвариши бўйича нафақани тайинлаш ва тўлашга оид қисмининг амал қилиши нафақанинг ушбу тури қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз маблағлари ҳисобидан тўланадиган ташкилотларда ишлайдиганларга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга) татбиқ этилмайди (бюджет ташкилотларида ишлайдиганлар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) бундан мустасно).

3. Болали оилаларга тўланадиган нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам миқдорлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам 6 ой муддатга, бола парвариши бўйича нафақа 12 ой муддатга тайинланади, бироқ бола тегишлича ўн тўрт ёки икки ёшга тўлган ойнинг охиригача тўланади.

Агар бир оилада туғилган, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган икки ва ундан ортиқ икки ёшга тўлмаган болалар парвариш қилинса, у ҳолда бола парвариши бўйича нафақа бир фарзанд учун белгиланган миқдорда кичик бола икки ёшга тўлгунига қадар тўланади.

4. Оилани кам таъминланган деб эътироф этиш ҳамда уларга болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ҳамда компенсация тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг «Ягона реестр» АТда шакллантирилади ва қабул қилинади.

5. «Ягона реестр» АТ томонидан кам таъминланган деб эътироф этилган оила болали оилаларга тўланадиган нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдамнинг фақат бир турини олиш ҳуқуқига эга. Бунда

болали оилаларга тўланадиган нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдамнинг бир турига қўшимча равишда компенсация ҳам тайинланади ва тўланади.

Туман (шаҳар)ларнинг маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам ва компенсация тўловларини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

2-боб. Оилани кам таъминланган деб эътироф этиш ва уларга болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдамни тайинлаш шартлари

6. Оиланинг ҳар бир аъзосига жами даромад аниқланадиган даврда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 0,527 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромадга эга бўлган оила кам таъминланган оила деб эътироф этилади.

7. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ушбу Низомда белгиланган тартибда оила аъзоларининг тақдим этган аризаларига асосан «Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган оила деб эътироф этилгандан сўнг тайинланади.

Вазирлик ва идоралар ҳамда бошқа давлат органлари томонидан кам таъминланган оилаларга ижтимоий хизматлар ва ёрдамларни (болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам бундан мустасно) бепул ёки имтиёзли шартларда кўрсатиш мақсадида уларнинг электрон сўровларига асосан сўралаётган шахснинг оиласи «Ягона реестр» АТ орқали белгиланган тартибда кам таъминланган деб эътироф этилиши мумкин. Бунда оилага болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинланмайди.

8. «Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оилалар (шахслар) қўшимча ҳужжатлар ва маълумотномаларни тақдим этмасдан, қонун ҳужжатларида ушбу тоифадаги оилалар (шахслар)га белгиланган бепул ёки имтиёзли шартларда кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Бунда қонун ҳужжатларида белгиланган хизматлардан фойдаланиш ва имтиёзларни олиш учун «Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оила (шахс)га Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ шаклда маълумотнома тақдим этилади.

Ушбу маълумотнома «Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган ойдан бошлаб ўн икки ой давомида амал қилади.

Агар битта оила сўнгги 12 ой давомида кетма-кет «Ягона реестр» АТ орқали бир неча маротаба кам таъминланган деб эътироф этилган бўлса, бунда маълумотноманинг амал қилиш муддати ушбу оила охириги маротаба кам таъминланган деб эътироф этилган ойдан бошланади.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги маълумотнома ушбу Низомга 1а-иловага* мувофиқ схема бўйича тақдим этилади.

9. Кам таъминланган оилаларга болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам ва компенсация ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ схема бўйича тайинланади ҳамда тўланади.

10. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ушбу Низомда белгиланган тартибда ариза берувчи мурожаат қилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Оиланинг муомалага лаёқатли исталган аъзосидан бири (отаси, онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс, 18 ёшга тўлган, ўз оиласига эга бўлмаган (ота-онаси, улардан бири ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахс билан бирга яшовчи) фарзанди (ёки оиланинг фарзандликка олинган боласи ёхуд васийликка олинган шахслар) ариза берувчи бўлиши мумкин.

11. Бола парвариши бўйича нафақани олишни давом эттиришга муҳтож бўлган шахс (ёки оиланинг муомалага лаёқатли аъзоларидан бири) тўловнинг олдинги 12 ойлик муддати тугашидан бир ой олдин ушбу нафақани бола икки ёшга тўлгунига қадар узлуксиз тўланишини давом эттириш масаласини ҳал этиш учун аризани белгиланган тартибда такроран бериш ҳуқуқига эга.

Болали оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам тўлашнинг белгиланган муддати тугагач, ариза берувчи ушбу нафақа ёки моддий ёрдам тўланишини янги муддатга давом эттириш учун ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бунда болали оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам олиш учун ариза олдинги даврда тайинланган ушбу нафақани ёки моддий ёрдамни тўлаш муддати тугаётган ойдан кейинги ойда берилади. Такрорий мурожаатлар умумий белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

3-боб. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам учун мурожаат қилиш тартиби

12. Оилани кам таъминланган деб эътироф этиб, унга болали оилаларга нафақа ёки бола парвариши бўйича нафақа ёхуд моддий ёрдам яшаш жойи бўйича оиланинг муомалага лаёқатли аъзосининг ёзма аризасига асосан тайинланади.

13. Болали оилаларга нафақа ёки бола парвариши бўйича нафақа ёхуд моддий ёрдам тайинлаш учун ариза зарур ҳужжатлар билан бирга бевосита ариза берувчининг доимий ёки вақтинча яшаш манзилидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилади ва рўйхатга олинади.

Ариза фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан махсус рўйхатга олиш дафтарига қайд этилади, бунда аризининг берилган санаси, ариза берувчининг исми, фамилияси, отасининг исми ва яшаш манзили,

* 1а-2-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шунингдек, олиш истагини билдирган нафақа ёки моддий ёрдам тури кўрсатилади.

14. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими (кейинги ўринларда — Пенсия жамғармаси бўлими) бошлиғининг номига ариза ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ шаклда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

ариза берувчи оила аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси паспорти нусхалари ёки ID-карталари;

чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномалари, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари ёки ID-карталари ҳамда яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги тўғрисида қайд варағи нусхаси;

болалари васийлик остида бўлган тақдирда, аризага васийлик ва хомийлик органининг қарори нусхаси;

ушбу Низомга 3а-иловага* мувофиқ шакл бўйича оиланинг мавжуд чорва моллари ва паррандалари тўғрисида маълумот;

ушбу Низомга 3б-иловага* мувофиқ шакл бўйича ариза берувчи ва унинг оила аъзолари номидаги тижорат банки ҳисобварақларидаги маблағ қолдиқлари ва ариза берилган ойдан олдинги 3 ой мобайнида уларнинг номига ўтказилган пул ўтказмалари юзасидан маълумотларни Марказий банк томонидан «Ягона реестр» АТга тақдим этиш тўғрисида оилада бирга яшовчи 18 ёш ва ундан катта ёшдаги муомалага лаёқатли барча оила аъзолари имзолари билан тасдиқланган ариза.

Бунда бирга яшовчи 18 ёш ва ундан катта ёшдаги муомалага лаёқатли барча оила аъзолари имзоларининг ҳаққонийлиги бўйича ариза берувчи жавобгар бўлади. Ариза берувчи томонидан ушбу бандда келтирилган барча ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилганлиги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан текширилади.

Оилани кам таъминланган деб эътироф этиш унга ва болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш учун аризалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига оила ушбу нафақа ёки моддий ёрдам олишни истаган ойдан олдинги ойнинг 16-санасига қадар тақдим этилади. Бунда юқорида кўрсатиб ўтилган муддатдан кейин берилган аризалар белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Ариза берувчи томонидан ушбу бандда келтирилган барча ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ҳолларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ариза берувчига қўшимча равишда қайси ҳужжатлар тақдим этилиши кераклиги ҳақида хабар қилади. Ушбу ҳолатларда ариза берувчи томонидан тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар қўшимча беш кун ичида, бироқ ушбу нафақа ёки моддий ёрдам олишни истаган ойдан олдинги ойнинг 16-санасига қадар тақдим этилиши зарур.

* 3 — 3б-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

15. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи аризада кўрсатилган ариза берувчи ва унинг оила аъзолари таркибини, оиланинг томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжаликларининг майдони ва аризада кўрсатилган манзил бўйича яшаётганлигини ариза берилган санадан бошлаб икки иш куни мобайнида, бироқ оила болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олишни истаган ойдан олдинги ойнинг 18-санасига қадар ўрганиб чиқади.

Аризада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ушбу Низомга 4-иловага* мувофиқ шакл бўйича тасдиқланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳар беш кунда камида бир маротаба, бироқ ариза берилган ойнинг 19-санасига қадар ушбу Низомнинг 14-бандида кўрсатилган ариза ва тақдим этилган ҳужжатларни ҳамда ушбу Низом билан тасдиқланган 4-иловага мувофиқ оиланинг таркиби тўғрисидаги маълумотларни Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан Пенсия жамғармаси бўлимига аризалар ушбу Низомга 5-иловага* мувофиқ шакл бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлашни сўраб мурожаат этилган аризалар рўйхатига асосан тақдим этилади.

16. Оилани кам таъминланган деб эътироф этиш ва унга болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисида қабул қилинган аризалар Пенсия жамғармаси бўлимининг масъул ходимлари томонидан ҳар куни, бироқ ариза берилган ойнинг 26-санасига қадар «Ягона реестр» АТга киритилади.

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисида қабул қилинган аризалар ва унга илова қилинган ҳужжатлар Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимларида сақланади.

4-боб. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун аризаларни кўриб чиқиш тартиби

17. Оила аъзоларининг барча расмий даромадлари, шунингдек, оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромаднинг ҳисоб-китоби, оила аъзоси номида мавжуд бўлган кўчмас мол-мулки ва автотранспорт воситалари тўғрисида маълумотлари ариза берилган ойдан кейинги ойнинг 1-санасига қадар «Ягона реестр» АТ томонидан автоматлаштирилган тарзда идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда жамланади ва ҳисоб-китоб қилинади.

18. Оилани кам таъминланган оила деб эътироф этиш ва унга болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш «Ягона реестр» АТ томонидан автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади.

* 4-5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

19. Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда, оилани кам таъминланган оила деб эътироф этиш ва унга тегишли равишда болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилади:

а) ариза берувчи оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромад ушбу Низомнинг 6-бандида белгиланган мезондан ошганда;

б) идоралараро электрон ахборот тизими орқали олинган маълумотлар бўйича Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрида ариза берувчи ва унинг оила аъзоларида жами биттадан ортиқ кўчмас мулки ёки бир ва ундан ортиқ нотурар жой бинолари мавжуд бўлганда;

в) ариза берувчи ёки унинг оила аъзоларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номига расмийлаштирилган ёки бош ишончнома асосида фойдаланилаётган:

ишлаб чиқарилган муддати 7 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситаси мавжуд бўлганда;

жами икки ва ундан ортиқ, техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситалари мавжуд бўлганда;

г) ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг тижорат банкларидаги депозит ҳисобварақларида ариза берган ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқ миқдорда маблағлари мавжуд бўлганда;

д) ариза берувчи ва унинг оила аъзоларида ариза берган ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқ миқдорда бозор қийматидаги қимматли қоғозлари мавжуд бўлганда;

е) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулудда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа саноати давлат қўмитаси ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотларнинг хизматчилари ва ходимлари ёки уларнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи ва болалари) томонидан аризалар тақдим этилганда;

ж) болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олувчи ва унинг оила аъзоси томонидан ушбу Низомнинг 11-бандида белгиланган тартибга риоя қилмаган ҳолда такрорий ариза тақдим этилганда. Бунда такроран тақдим этилган ариза «Ягона реестр» АТга киритилгандан сўнг ариза кўриб чиқилмасдан, аризачига рад жавоби аризада кўрсатилган электрон манзилга ёки СМС-хабарлар орқали мобил телефон рақамига жўнатилади;

з) оилада меҳнат органлари томонидан тайинланган ишсизлик нафақасини олаётган аъзолари мавжуд бўлганда;

и) оилада охирги 12 ой давомида иш қидираётган аъзоси меҳнат органларининг мақбул келадиган ишга доир таклифларини мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) рад этганда;

к) даромадларнинг расмий манбаларига эга бўлмаган ва охирги олти ой мобайнида иш излаб меҳнат органларига мурожаат қилмаган ҳамда меҳнат

органларида ҳисобда турмаган, ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритилмаган ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоси мавжуд бўлганда.

Ушбу қоида:

бола уч ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилувчи оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга);

таълим муассасаларида ўқиётганларга (таълимнинг кечки ва сиртки ўқиш ҳолатлари бундан мустасно);

ишламайдиган пенсионерларга, давлат пенсияси тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахсларга ва меҳнатга лаёқатсизлик юзасидан нафақа олувчи фуқароларга, ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга, I ёки II гуруҳ ва болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга;

амалда томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритиш билан банд бўлган оила аъзоларига;

16 ёшгача болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларнинг оналарига (онаси бўлмаган ҳолда, отасига), оила аъзоси ҳисобланган I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсни ёки ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган кексаларни парвариш қилаётганларга (ушбу маълумот Пенсия жамғармаси бўлими томонидан аниқлаштирилади);

чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларига;

оиланинг «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида (ўзини ўзи бошқариш органининг оила таркиби ва иқтисодий аҳволи тўғрисидаги маълумотида ёритилиши лозим) оилавий тадбиркорликда банд бўлган, бироқ ушбу дастур бўйича микрокредит олинган санадан бошлаб кўпи билан 12 ой банд бўлган аъзоларига;

суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўйича жазони ижро этиш муассасаларида эканлиги муносабати билан оилада бўлмаган аъзоларига;

туман (шаҳар) аҳоли бандликка кўмаклашиш марказига иш қидирувчи сифатида расмий мурожаат қилган ёки ишсиз сифатида рўйхатга олинган, ушбу марказ томонидан касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ёки малака оширишга юборилган, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар рўйхатида киритилган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Ушбу бандда кўрсатилган мезонлар асосида болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилганда, ариза берувчига хабар «Ягона реестр» АТ орқали рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда электрон шаклда (аризада кўрсатилган электрон манзилига ёки СМС-хабарлар орқали мобил телефон рақамига) юборилади.

20. Ариза берувчининг ушбу Низомнинг 6 ва 19-бандларига мувофиқ болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдани олиш ҳуқуқига эга эмаслиги «Ягона реестр» АТ томонидан автоматлаштирилган тарзда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимларидан электрон шаклда олинган маълумотлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан оиланинг таркиби бўйича тақдим этилган маълумотларга асосан аниқланади.

Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимларидан ариза берувчи тўғрисида электрон шаклда автоматлаштирилган тарзда олинган маълумотлар «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ химояланади. Ушбу маълумотлардан фойдаланиш ваколоти Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармасининг буйруғи билан расмийлаштирилган масъул ходимга берилади.

5-боб. Оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган ўртача бир ойлик даромад ҳажмини аниқлаш

21. Оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача даромад болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилинган ойдан олдинги ойгача бўлган охирги уч ойи учун ҳисоблаб чиқилган барча оила аъзоларининг даромади суммасини оила таркибига киритиладиган оила аъзолари сонига ва учга бўлиш орқали аниқланади.

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун оила таркибига фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида никоҳи қайд этилган эр-хотин (ёки уларнинг бири) ва улар билан бирга яшайдиган ва уларнинг қарамоғида бўлган болалар (шу жумладан, васийликка (ҳомийликка) олинган болалар), шунингдек, ота-оналари билан бирга яшайдиган ва ўз оиласига эга бўлмаган 18 ёшдан катта болалар (шу жумладан, васийликка (ҳомийликка) олинган болалар), ёлғиз оналар (оталар) киритилади.

Бунда тўлиқ давлат таъминотидаги болалар, тарбиялаш учун оилага қабул қилинган (патронат) болалар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар оила таркибига киритилмайди.

22. Бир ойлик ўртача жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинадиган оиланинг жами даромадига оила томонидан олинган қуйидаги даромадлар киритилади:

меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар;

мулкӣ даромадлар;

якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва ўзини ўзи банд қилган фуқароларга ҳисобланадиган норматив даромадлар;

пул тушумлари, шу жумладан, чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларидан пул ўтказмалари суммаси;

конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашганлик учун шахсга тўланган меҳнат ҳақи;

тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳловчи иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, шу жумладан, штамплар ва муҳрлар олиш, электрон рақамли имзо олиш, тадбиркорликка ўқиш харажатларини тўлаш ва кредитни олиш чоғида суғурта полиси ҳақини тўлаш ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар

қуриш, уруғликлар, кўчатлар, суғориш воситалари олиш учун меҳнат органлари томонидан ажратилган субсидияларни олган жисмоний шахсларга ҳисобланадиган норматив даромадлар;

пенсиялар ва нафақалар (ушбу Низомда назарда тутилган тартибда оила олаётган болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам, компенсация, ногиронлиги бўйича нафақа, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси, болаликдан ногирон бўлган 16 ёшдан катта шахсларга нафақа, 16 ёшгача бўлган ногирон болалар ва 18 ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақа, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси орқали бериладиган бола туғилганлиги ҳамда дафн этиш маросими учун бир йўла тўланадиган нафақа, таълим муассасалари томонидан тўланадиган стипендиялар, меҳнат органлари томонидан ишсиз фуқароларга тайинланадиган ва тўланадиган моддий ёрдам, меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида тўланган стипендия бундан мустасно);

томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритишдан олинган даромад; чорва моллари ва паррандалари мавжуд бўлган фуқароларга ҳисобланадиган норматив даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа даромадлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар ҳисобланган сумма бўйича ҳисобга олинади (қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташлангунига қадар).

«Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида микрокредит олинган санадан бошлаб охириги 12 ой мобайнида оилавий тадбиркорликни амалга оширишдан олинган даромадлар оиланинг даромади таркибига киритилмайди.

23. Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадни аниқлашда (якка тартибдаги фаолият маълум муддатга тўхтатилган давр бундан мустасно) даромад аниқланаётган даврда якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғининг қатъий белгиланган бир ойлик суммасининг ўн баравари миқдорига тенг бўлган, бироқ меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган бир ойлик ўртача норматив даромад миқдори қабул қилинади.

Ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг даромадлари миқдорини аниқлашда даромад аниқланаётган даврда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки баравари миқдорига тенг бўлган бир ойлик ўртача норматив даромад миқдори қабул қилинади.

Агар электрон ахборот алмашинуви орқали олинган маълумотларда чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларидан пул ўтказмалари миқдори аниқланмаса, у ҳолда оиланинг бир ойлик ўртача жами даромадини аниқлаш учун оиланинг чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзосига даромад аниқланаётган даврда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки баравари миқдорига тенг бўлган бир ойлик ўртача норматив даромад миқдори қабул қилинади.

Ушбу бандда кўрсатилган оила аъзоси (аъзолари) нинг бир ойлик ўртача норматив даромади оиланинг ўртача ойлик даромадини аниқлаш учун уч ойга кўпайтирилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

24. Фуқаро бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда бошқа мақсадлар учун меҳнат органлари томонидан ажратилган субсидиялар ва грантларни олган ариза берувчи ва/ёки унинг оила аъзосига даромад аниқланаётган даврда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир баравари миқдорига тенг бўлган ўртача норматив даромад миқдори қабул қилинади.

Ушбу бандда кўрсатилган оила аъзоси (аъзолари) нинг бир ойлик ўртача норматив даромади оиланинг бир ойлик ўртача ойлик даромадини аниқлаш учун уч ойга кўпайтирилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

25. Томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритишдан олинган даромад миқдори сифатида ушбу бандда белгиланган томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритишдан олинган бир ойлик даромаднинг норматив миқдори қабул қилинади.

Томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритишдан олинган бир ойлик ўртача норматив даромад томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритиш учун фойдаланилаётган сотихлар миқдорини жами даромад аниқланаётган даврда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 0,035 бараварига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ушбу бандда кўрсатилган бир ойлик ўртача норматив даромади оиланинг ўртача ойлик даромадини аниқлаш учун уч ойга кўпайтирилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади. Бунда:

а) 4 сотихгача бўлган томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалиги майдонида оиланинг меҳнатга лаёқатли ишсиз битта аъзоси ҳамда кейинги ҳар бир 4 сотихгача майдон учун қўшимча биттадан оиланинг ишсиз аъзоси томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритиш билан банд бўлган деб ҳисобланади;

б) оила аъзолари томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритиш билан банд бўлган деб қуйидаги кетма-кетлик бўйича ҳисобланади:

биринчи навбатда, меҳнатга лаёқатли ишсиз бўлган, бола парвариши ва ўзганинг парваришига муҳтож бўлган оила аъзосини парвариши билан банд бўлмаган, жазони ижро этиш жойларида жазони ўтамаётган, чет элда ишламайдиган ёки тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширмаётган оиланинг аёлига;

оиланинг вояга етган, таълим муассасасида таҳсил олмаётган, жазони ижро этиш жойларида жазони ўтамаётган ёки чақириқ бўйича ҳарбий хизматни ўтамаётган, ўзганинг парваришига муҳтож бўлган оила аъзосини парвариши билан банд бўлмаган, чет элда ишламайдиган ёки тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширмаётган, ўз оиласига эга бўлмаган меҳнатга лаёқатли ишсиз фарзандига, шунингдек, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинганга (бир неча фарзанди мавжуд бўлганда — ёш кетма-кетлиги бўйича);

таълим муассасасида таҳсил олмаётган, жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтамаётган ёки чақириқ бўйича ҳарбий хизматни ўтамаёт-

ган, ўзганинг парваришига муҳтож бўлган оила аъзосини парвариши билан банд бўлмаган, чет элда ишламайдиган ёки тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширмаётган меҳнатга лаёқатли ишсиз отасига.

26. Чорва моллари ва паррандалари мавжуд бўлган фуқароларнинг бир ойлик ўртача норматив даромадини ҳисоблаш учун:

чорва моллари ва паррандаларнинг сони шартли бош қорамол сонига Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги 689-сон қарори билан тасдиқланган Яйловларда чорва молларини ўтлатишда энг кўп йўл қўйиладиган фойдаланиш нормаларини белгилаш, яйловлар алмашилишини таъминлаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга 5-иловада белгиланган Чорва молларини ва паррандаларни шартли бошга ўгириш коэффициентига асосан ўтказилади;

хар бир шартли бош қорамол сонини даромад аниқланаётган даврда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 0,5 бараварига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ушбу бандда кўрсатилган бир ойлик ўртача норматив даромад оиланинг ўртача ойлик даромадини аниқлаш учун уч ойга кўпайтирилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

27. Ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги маълумотлар, жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорлик, ўзини ўзи банд қилган ва томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритишдан олинadиган норматив даромад «Ягона реестр» АТ орқали, шу жумладан, тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан ўзаро идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаш йўли билан ҳисобланади.

28. Ариза берувчи оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромади қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\text{БОЎД} = (\text{МХТД} + \text{МД} + \text{ИН} + \text{ЖИМХ} + \text{СНД} + \text{ЯТГНД} + \text{ПЎ} + \text{ПН} + \text{ТД} + \text{ЧМ} + \text{БД}) / \text{ОАС} / 3, \text{ бунда:}$$

БОЎД — оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромади;

МХТД — меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги уч ойлик даромадлар (мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда);

МД — уч ойлик мулкий даромадлар (мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда);

ИН — меҳнат органлари томонидан ишсиз фуқароларга тўланган уч ойлик ишсизлик нафақаси (мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда);

ЖИМХ — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашганлик учун шахсга тўланган уч ойлик меҳнат ҳақи (мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда);

СНД — фуқаро бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда бошқа мақсадлар учун меҳнат органлари томонидан ажратилган субсидиялар ва грантлар учун ҳисобланадиган ўртача уч ойлик норматив даромад;

ЯТТНД — якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун ҳисобланган ўртача уч ойлик норматив даромадлар;

ПУ — пул ўтказмалари, шу жумладан, чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларидан уч ойлик пул ўтказмалари суммаси (мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда) ёки уларга ҳисобланадиган уч ойлик ўртача норматив даромадлар;

ПН — пенсия ва нафақалар кўринишидаги уч ойлик (мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда) даромадлар;

ТД — томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритишдан (мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда) ҳисобланадиган уч ойлик ўртача норматив даромадлар;

ЧМ — чорва моллари ва паррандалари мавжуд бўлган фуқароларга ҳисобланадиган уч ойлик ўртача норматив даромад;

БД — оила аъзоларининг уч ойлик бошқа даромадлари;

ОАС — оила аъзолари сони.

29. Оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромадни ҳисоблаб чиқишнинг мисоли:

5 кишидан иборат оиланинг аъзоси моддий ёрдам учун 2020 йил декабрь ойида мурожаат этган. Унинг даромадлари август — октябрь ойлари учун ҳисобланади. Оила аъзоларининг барча даромадлари йиғиндиси (норматив даромадларни ҳисобга олган ҳолда) 5 250 000 сўмни ташкил этади.

Оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромади қуйидагини ташкил этади: 5 250 000 сўм / 5 киши / 3 ой – 350 000 сўм.

30. Оиланинг бир ойлик ўртача жами даромади ушбу Низомда назарда тутилган тартибда олинган оиланинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар асосида аниқланади.

31. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олувчиларга «Ягона реестр» АТ орқали қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда компенсация тайинланади ва тўланади.

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам ва компенсация туман (шаҳар) маҳаллий бюджетида ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида тайинланади.

Бунда туман (шаҳар) маҳаллий бюджетида назарда тутилган маблағлар ҳажмидан келиб чиқиб, болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам, биринчи навбатда, оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган даромад миқдори ушбу Низомнинг 6-бандида белгиланган мезонга тўғри келадиган ва бошқа оилалар даромадига нисбатан камроқ бўлган кам таъминланган оилаларга тайинланади ва тўланади.

Кам таъминланган деб эътироф этилган оилага туман (шаҳар) маҳаллий бюджетида назарда тутилган маблағлар ҳажмидан келиб чиқиб, унга бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш имконияти бўлмаган тақдирда, ариза берувчининг хоҳишига кўра унинг аризаси бола-

ли оилаларга нафақани (оила таркибида тегишли ёшдаги болалар мавжуд бўлганда) тайинлаш масаласи кўриб чиқилиши мумкин ёки автоматик равишда кейинги ойда қайта кўриб чиқиш учун ўтказилади.

Кам таъминланган деб эътироф этилган оиллага туман (шаҳар) маҳаллий бюджетда назарда тутилган маблағлар ҳажмидан келиб чиқиб, унга болали оилаларга нафақа автоматик равишда кейинги ойда қайта кўриб чиқиш учун ўтказилади.

Бироқ, ариза берилган ойдан уч ой ўтгандан сўнг ариза берувчи қайтадан ариза бериш йўли билан нафақа олиш истагини тасдиқлаши шарт.

32. Ариза берувчи ушбу Низомнинг 6, 19 ва 30-бандларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ бўлганда, «Ягона реестр» АТда болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги қарор автоматик тарзда шакллантирилади.

Бунда ариза берувчига «Ягона реестр» АТ орқали тегишли нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисида электрон хабар (аризада кўрсатилган электрон манзилга ёки СМС-хабарлар хизмати орқали мобил телефон рақамига) юборилади.

33. Болали оилаларга нафақа тайинланган оилада болалар сони ўзгарган тақдирда (навбатдаги бола туғилганда, 14 ёшгача болалардан бири вафот этганда, бола (болалар) 14 ёшга тўлганда ва шу кабилар), нафақа миқдори болаларнинг тегишли сонидан келиб чиқиб, кейинги ойдан бошлаб қайта ҳисобланади.

6-боб. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдамни тўлаш

34. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам, шунингдек, компенсация АТ «Халқ банки»нинг туман (шаҳар) бўлимлари (филиаллари) орқали нақд пул шаклида ёки пул маблағларини нақд пулсиз ўтказиш йўли билан фуқароларнинг банк ҳисобварақлари (пластик карталари) орқали тўланади.

35. Электрон тўлов рўйхат (ведомост)лари ҳар ойнинг 4-санасига қадар «Ягона реестр» АТ орқали АТ «Халқ банки»нинг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилади.

Ушбу бандда кўрсатилган муддатнинг охири куни байрам ва дам олиш кунларига тўғри келадиган бўлса, электрон тўлов рўйхат (ведомост)лари кейинги 2 иш куни мобайнида АТ «Халқ банки»нинг туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилиши мумкин.

36. Тўловнинг ўтган ойида олинмаган болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам ва компенсация суммаси тўловнинг жорий ойи тўлов рўйхатларига киритилади ҳамда тайинланган, бироқ ўз вақтида олинмай қолган тўловлар ўтган даврларда ҳисобланган миқдорларда бутун давр учун бироқ нафақа ёки моддий ёрдамни олиш муддати тугаганидан сўнг уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатда бир йўла тўланади.

37. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам ва компенсацияни тўлаш:

а) қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

қонун ҳужжатлари билан белгиланган тайинлаш муддати тугаганда;
ариза берувчи ёки бошқа муомалага лаёқатли оила аъзосининг яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига тўлов тўхтатилишини сўраб ариза тақдим қилинганда;

доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига қўчиб кетганда;

«Ягона реестр» АТдаги ёки манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари билан идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик тизимидаги техник носозлик натижасида, маълумотлар электрон равишда тўлиқ ёки қисман тақдим этилмаганлиги сабабли, шунингдек, аризани киритишда ва бошқа техник хатолар оқибатида нотўғри тайинланганлиги аниқланган тақдирда. Ушбу ҳолатда ўтган даврда тўланган маблағлар қайтарилмайди;

тегишли тўловларни тайинлаш тўғрисидаги қарорга таъсир кўрсатган ариза берувчи томонидан нотўғри ва ишончсиз маълумотлар тақдим этилганлиги ёки тўлиқ тақдим этилмаганлиги аниқланганда;

б) ортиқча тўловлар аниқланганда вақтинча тўхтатилади. Бунда тўловлар кам таъминланган оилага келгуси ойларда тўланиши лозим бўлган болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам ва компенсация учун маблағлар ҳисобига қайта ҳисоб-китоб қилингандан сўнг қайта тўловлар амалга оширилади;

Тўловларни тўхтатиш (қонун ҳужжатлари билан белгиланган тайинлаш муддати тугаган ҳолатлари бундан мустасно) «Ягона реестр» АТ орқали автоматлаштирилган ҳолда амалга оширилади ва ариза берувчига электрон хабар (аризада кўрсатилган электрон манзилига ёки СМС-хабарлар орқали мобил телефон рақамига) юбориш орқали билдирилади.

Ариза берувчи билан Пенсия жамғармаси бўлими ўртасидаги тўловлар тўхтатилиши ёки миқдори ўзгариши юзасидан келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, шу жумладан, суд орқали ҳал этилади.

38. «Ягона реестр» АТ орқали болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ҳамда моддий ёрдамни тайинлаш жараёнида техник сабабларга кўра ортиқча тўловлар вужудга келганда, ушбу ортиқча тўловлар, биринчи навбатда, тегишли нафақа ёки моддий ёрдам олувчиларга жорий ва келгуси ойлар учун ҳисобланадиган нафақалар ёки моддий ёрдам, шунингдек, компенсация маблағлари ҳисобидан қайтарилади.

Бунда ортиқча тўловни қайтариш учун ҳисобланадиган бир ойлик нафақа ёки моддий ёрдам маблағлари етарли бўлмаса, қолган ортиқча тўловлар суммаси келгуси ойлар учун ҳисобланадиган нафақа ёки моддий ёрдам ва компенсация маблағлари ҳисобидан ушлаб қолинади.

Агар қонун ҳужжатлари билан белгиланган тайинлаш муддати тугаганлиги ёки тугаётганлиги сабабли ортиқча тўловни қоплаш учун ҳисобланадиган нафақа ёки моддий ёрдам суммаси етарли бўлмаса:

ортиқча тўловларнинг қопланмаган суммаси нафақа ёки моддий ёрдам олувчи томонидан ўз хошишига кўра қопланиши мумкин;

нафақа ва моддий ёрдам олувчига унинг аризасига мувофиқ белгиланган тартибда унга такроран тайинланадиган нафақа ёки моддий ёрдам ва компенсация маблағлари ҳисобидан қопланади.

Мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирлар натижасида ортиқча тўлов аниқланган ойдан бошлаб 12 ой ўтгандан сўнг ортиқча тўловларнинг қопланмаган қисми суд тартибда ундирилади.

Бошқа ҳолларда болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам нафақалари миқдорларидан чегирмалар қилиниши мумкин эмас.

39. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам ва компенсация тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончнома асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам пулининг учинчи шахсга ишончнома орқали тўланишига йўл қўйилмайди.

Ариза берган шахс вафот этган тақдирда, тегишли нафақа оиланинг муомаласага лаёқатли аъзосига ёки қонуний вакилига тўланади. Бунда оиланинг муомаласага лаёқатли аъзоси ёки қонуний вакил тегишли аризани ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини, мавжуд бўлганда васийлик ёки ҳомийликни тайинлаш тўғрисидаги қарор нусхасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этиши зарур.

Тегишли аризалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан умумий асосларда Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этилади ва Пенсия жамғармаси томонидан белгиланган муддатларда кўриб чиқилади.

40. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам ва компенсация тўлов ойининг 4-санасидан 27-санасига қадар тўланади.

7-боб. Маҳаллий бюджет маблағларидан молиялаштириш тартиби

41. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам туман (шаҳар) бюджетида ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида харажатларнинг тегишли иқтисодий таснифлагичи бўйича акс эттирган ҳолда тўланади.

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам ва компенсациянинг ҳар бир тури бўйича АТ «Халқ банки»нинг бўлими (филиали)да алоҳида банк ҳисобварақлари очилади.

АТ «Халқ банки»нинг бўлими (филиали) ҳар ойнинг охириги кунига қадар жорий ой учун, шунингдек, йил бошидан амалга оширилган тўловлар ҳамда тўланмаган маблағлар бюджетга қайтарилиши ҳақида электрон маълумотларни ҳар бир нафақа, моддий ёрдам ва компенсация олувчилар бўйича «Ягона реестр» АТга белгиланган тартибда тақдим этади.

42. Туман (шаҳар) молия бўлими болали оилаларга нафақа, бола пар-

вариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам ва компенсация тўлови учун маблағларни Ягона вазначилик ҳисобварағидан тўлов рўйхат (ведомост)лари бўйича тайинланган суммалар доирасида маҳаллий бюджет даромади тушумидан келиб чиқиб, бироқ бюджетда назарда тутилганидан ортиқ бўлмаган миқдорда тўлашга ойнанинг 4-санасидан бошлаб, бироқ тўлов амалга оширилмайдиган ойнанинг 25-санасидан кечикмай АТ «Халқ банки»нинг махсус ҳисобварағига алоҳида тўлов топшириқномалари билан ўтказилади.

Маблағлар Ягона вазначилик ҳисобварағидан тегишли вазначилик бўлинмалари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади.

43. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам тўлови бўйича АТ «Халқ банки» бўлинмалари (филиаллари) хизматлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан АТ «Халқ банки» ўртасида тузиладиган шартнома асосида ҳақ тўланади.

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тўлаш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш миқдори ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамга ажратилмайдиган маблағлар доирасида АТ «Халқ банки» томонидан тақдим этиладиган асосланган ҳисобкитоблар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

44. Болали оилаларга тўланадиган нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам учун назарда тутилган бюджет маблағлари туманлар (шаҳарлар) ўртасида ҳар бир туман (шаҳар) ҳудудида яшайдиган кам таъминланган оилалар сони ҳамда туман(шаҳар)нинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ушбу оилаларнинг таркиби ва олдинги даврлар учун ажратилган маблағлар ўзлаштирилиши (фойдаланилиши) даражаси ҳисобга олинган ҳолда белгиланган тартибда тақсимланади.

45. Жорий ой мобайнида олувчилар томонидан талаб қилинмаган ва АТ «Халқ банки»нинг бўлимлари (филиаллари)нинг махсус ҳисобварақларидаги маблағлар ушбу Низомнинг 36-бандига мувофиқ келгусида тўлаш учун тегишли маҳаллий бюджет ҳисобига қайтарилиши керак.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

46. Ариза берувчи ва унинг оила аъзоларига тегишли ахборот автоматлаштирилган режимда фақат «Ягона реестр» АТдан олинмайдиган ва таҳлил қилинадиган махфий ахборот ҳисобланади ва ошкор қилинмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

47. Ажратилмайдиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш, улар тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобланиши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан назорат қилинади.

48. Қуйидагилар учун:

оила даромадлари, оила таркиби ва турар жойининг ўзгариши тўғри-

сидаги ахборотнинг ишончлилиги ва ўзгариши тўғрисидаги маълумотлардан Пенсия жамғармаси бўлимини ўз вақтида хабардор қилиш бўйича — ариза берувчига;

АТ «Халқ банки»нинг махсус ҳисобварақларига бюджет маблағларини ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш бўйича — туман (шаҳар) молия бўлими раҳбарига;

ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамларни тайинлаш бўйича аризаларни «Ягона реестр» АТга белгиланган тартибда ҳамда ўз вақтида киритиш бўйича — Пенсия жамғармаси бўлими раҳбарига;

махсус ҳисобварақлардаги маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш ҳамда олувчилар томонидан талаб қилиб олинмаган маблағларни тегишли маҳаллий бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш бўйича — туман (шаҳар) АТ «Халқ банки» бўлими раҳбарларига шахсий жавобгарлик юкланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 5 мартдаги 122-сон қарорига
З-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2013 йил 15 февралдаги 44-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 22 февралдаги ПФ–4782-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 24 февралдаги ПҚ–2498-сон қарори)» 2017 йил 13 мартдаги 130-сон қарорига 1-илованинг 45-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 13 апрелдаги 308-сон қарорининг 3-банди иккинчи ва учинчи хатбошилари, шунингдек, қарорга 1 ва 2-иловалар.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2013 йил 15 февралдаги

44-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2019 йил 15 июлдаги 588-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон Фармони)» 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 120-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 3 апрелдаги ПФ–5978-сон Фармони)» 2020 йил 20 майдаги 307-сон қарорига илованинг 1-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарорига 4-илованинг 15-банди ва 74-бандининг «а» кичик банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сон Фармони)» 2020 йил 20 июндаги 396-сон қарорига илованинг 3-банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БЎЙРУҒИ**

94 «Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган бюджет ссудаларини қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
3 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1052-2*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сон «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **бююраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2001 йил 28 июндаги 58-сон «Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудалари бериш ва олинган бюджет ссудаларини қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1052, 2001 йил 19 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 йил, 14-сон);

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2006 йил 25 октябрдаги 92-сон «Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган бюджет ссудаларини қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1052-1, 2006 йил 14 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 465-модда).

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 16 февраль,
8-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕХНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

95 Академик лицей, касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумлар бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
3 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3119-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПҚ-4910-сон «Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги 78-к/қ, 13/ққ, 32-қ/қ, 162-сон қарори (рўйхат рақами 3119, 2019 йил 11 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.01.2019 й., 10/19/3119/2469-сон) билан тасдиқланган Академик лицей, касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумлар бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ТОШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 16 февраль,
2-2021-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 февралда эълон қилинган.

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири****Н. ХУСАНОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 15 февраль,
ҚҚ-08-2021-сон

Молия вазири**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 9 февраль,
6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2021 йил 16 февралдаги 2-2021-сон, Бандлик
ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг
2021 йил 15 февралдаги ҚҚ-08-2021-сон ва
Молия вазирлигининг 2021 йил
9 февралдаги 6-сон қарорига
ИЛОВА

**Академик лицей, касб-ҳунар мактаби, коллеж ва
техникумлар бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва
ўқув-ёрдამчи ходимларининг намунавий штатларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. 1-бобнинг 1-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

1.	Директор	Олий таълим муассасаларининг ўқув ишлари учун масъул проректори (филиал директори ўринбосари) бир вақтнинг ўзида академик лицей директори ҳисобланади.
----	----------	--

».

2. 1-боб қуйидаги мазмундаги 1¹-позиция билан тўлдирилсин:

«

1 ¹ .	Ижрочи директор	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
------------------	-----------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

96 Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб ўтиш тартиби, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 526-7

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги 801-сон «Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида рухсат этиш ҳамда радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 4 февраль,
01-02/12-06-сон

**Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

Ш. САДИКОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 январь,
211-МХ-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил
4 февралдаги 01-02/12-06-сон ва Ахборот
технологиялари ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил
26 январдаги 211-МХ-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги томонидан 1998 йил 29 октябрда 05/20-889 ва 01-8/2504-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб ўтиш тартиби (рўйхат рақами 526, 1998 йил 9 ноябрь).

2. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2002 йил 30 октябрдаги 02-8/1411 ва 01-02/20-37-сон «Ўзбекистон Республикаси худудига радиоэлектрон воситалари ва юқори частотали қурилмаларни келтириш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 526-1, 2002 йил 7 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 21-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2008 йил 27 майдаги 01-02/8-37 ва 04-8/1442-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб ўтиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 526-2, 2008 йил 10 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 24-25-сон, 236-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 9 январдаги 01-02/20-2 ва 4-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб ўтиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 526-3, 2013 йил 16 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 3-сон, 34-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 21 февралдаги 01-02/6-21 ва 11-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб ўтиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 526-4, 2013 йил 28 фев-

раль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 9-сон, 123-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2015 йил 12 майдаги 01-02/12-19 ва 116-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб ўтиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 526-5, 2015 йил 13 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 19-сон, 242-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 19 июндаги 01-02/20-49 ва 16/24-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб ўтиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 526-6, 2018 йил 5 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.07.2018 й., 10-18/526-6/1468-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

97 «Автомобиль йўллари орқали ташиладиган товарларнинг божхона кузатуви тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1278-5*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги 800-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташқи савдо юқларини божхона назорати остида ташишни соддалаштириш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 мартда эълон қилинган.

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 6 февраль,
01-02/12-07-сон

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 январь,
3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил
6 февралдаги 01-02/12-07-сон ва
Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил
30 январдаги 3-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2003 йил 4 сентябрдаги 01-02/12-35 ва 5-сон «Автомобиль йўллари орқали ташиладиган товарларнинг божхона кузатуви тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1278, 2003 йил 27 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 17-18-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2004 йил 6 июлдаги 01-02/20-28 ва 24/5-2000-сон «Автомобиль йўллари орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона кузатуви тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1278-1, 2004 йил 21 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 29-сон, 339-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2012 йил 31 июлдаги 01-02/12-14 ва 26-сон «Автомобиль йўллари орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона кузатуви

тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1278-2, 2012 йил 1 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 31-сон, 371-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2014 йил 6 августдаги 01-02/12-10 ва 30-сон «Автомобиль йўллари орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона кузатуви тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1278-3, 2014 йил 22 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 34-сон, 443-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2016 йил 27 апрелдаги 01-02/12-30 ва 16-сон «Автомобиль йўллари орқали ташиладиган товарларнинг божхона кузатуви тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1278-4, 2016 йил 18 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 20-сон, 228-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

98 «Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал вақт режимида интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2823-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги 800-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташқи савдо юқларини божхона назорати остида ташишни соддалаштириш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 19 августдаги 01-02/12-58-сон «Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал вақт режимда интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2823, 2016 йил 13 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 436-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 31 августдаги 01-02/12-59-сон «Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал вақт режимда интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2823-1, 2018 йил 8 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2018 й., 10/18/2823-1/2009-сон).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилиган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 6 февраль,
01-02/12-08-сон

Келишилди:

**Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

Ш. САДИКОВ

2021 йил 3 февраль

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 16 февралдаги 8-сон «Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган бюджет ссудаларини қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 3 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1052-2.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2021 йил 16 февралдаги 2-2021-сон, 2021 йил 15 февралдаги ққ-08-2021-сон, 2021 йил 9 февралдаги 6-сон «Академик лицей, касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 3 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3119-2.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 4 февралдаги 01-02/12-06-сон, 2021 йил 26 январдаги 211-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб ўтиш тартиби, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 526-7.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 6 февралдаги 01-02/12-07-сон, 2021 йил 30 январдаги 3-сон «Автомобиль йўллари орқали ташиладиган товарларнинг божхона кузатуви тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1278-5.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 6 февралдаги 01-02/12-08-сон «Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал вақт режимида интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2823-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудалари бериш ва олинган бюджет ссудаларини қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1052, 2001 йил 19 июль), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1052-1, 2006 йил 14 ноябрь).

2021 йил 3 мартда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб ўтиш тартиби (рўйхат рақами 526, 1998 йил 9 ноябрь), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 526-1, 2002 йил 7 ноябрь), (рўйхат рақами 526-2, 2008 йил 10 июнь), (рўйхат рақами 526-3, 2013 йил 16 январь), (рўйхат рақами 526-4, 2013 йил 28 февраль), (рўйхат рақами 526-5, 2015 йил 13 май), (рўйхат рақами 526-6, 2018 йил 5 июль).

2021 йил 4 мартда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг «Автомобиль йўллари орқали ташиладиган товарларнинг божхона кузатуви тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1278, 2003 йил 27 сентябрь), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1278-1, 2004 йил 21 июль), (рўйхат рақами 1278-2, 2012 йил 1 август), (рўйхат рақами 1278-3, 2014 йил 22 август), (рўйхат рақами 1278-4, 2016 йил 18 май).

2021 йил 4 мартда давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал вақт режимида интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2823, 2016 йил 13 сен-

тябрь), шунингдек, унга қўшимчалар (рўйхат рақами 2823-1, 2018 йил 8 октябрь).

2021 йил 4 мартда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.